



MILLIY TIKLANISH

15 (1013) ● 2019 йил 17 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 апрель кунни мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан меҳмондўстлик учун Президентимизга

самимий миннатдорлик билдириб, Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэйнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқалар фаол давом эттирилмоқда, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ва банк-молия соҳаларида ҳамкорлик кенгаймоқда. 2018 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажмида кейинги 10 йилдаги энг юқори ўсиш кўрсат-

кичи қайд этилди.

Жорий йил февраль ойида Тошкент шаҳрида Буюк Британиянинг етакчи компаниялари иштирокида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги йиғилиши самарали ўтди.

Маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда. Мамлакатимизда Халқаро Вестминстер университети ва Британия Кенгашининг ваколатхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Британиянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини, илғор тажриба ва технологияларини жалб қилган ҳолда, қўшма лойиҳаларни амал-

га оширишга кўмаклашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий экани алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корей Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 2019 йил 18-21 апрель кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Жанубий Корей ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Таширф дастурида Президент Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида нутқ сўзлаши, давлат раҳбарларининг икки мамлакат етакчи компаниялари бизнес-форумида ҳамда Тошкент шаҳрида Корей маданияти ва санъати уйининг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Шунингдек, Самарқанд шаҳрига таширф режалоштирилган.

Музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилиниши, салмоқли ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўплами, шунингдек, савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА

Фракция фаолияти

МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

уни ишлаб чиқишда ЎзМТДП фаол иштирок этади



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги "Ўзбекистон тараққийнинг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режалоштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилишдан таъкидланганидек, ёшлар ҳақида гап кетганда беихтиёр Абдулла Авлонийнинг таълим-тарбия — биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир, деган пурмаъно фикри ёдга келади. Албатта, бу гап бежизга айтилмаган. Барча замонларда ҳам ёшлар таълим-тарбияси, дунёқараши, ўзлигини англаш масаласига мамлакат тараққийети, келажагини белгилувчи ва кафолатловчи куч сифатида қаралиб келинган.

2-бет →

Қонунчилик палатасида

ТУРИЗМ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ, ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Парламент вакиллари дастлаб "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис қўйи палатасининг шу йил 2 апрелда бўлиб ўтган мажлисида мазкур лойиҳа "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўринишида иккинчи ўқишда қизгин муҳокамаларда кўриб чиқилган эди. Унда депутатлар томонидан билдирилган фикр, муҳокама ва тақлифларнинг асосий мақсад-моҳияти амалдаги "Туризм тўғрисида"ги қонунга қарий етмиш фоиз ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани, туризмга эндиликда иқтисодийнинг стратегик мақоми берилганидан келиб чиқиб, лойиҳа учинчи ўқишга "Туризм тўғрисида"ги янги қонун сифатида тайёрланди.

3-бет →

Муносабат

ЎЗМТДП "БАРКАМОЛ АВЛОД" БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНГАН ЭДИ...

У Президент қарори лойиҳаси тайёрланишига асос бўлди

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

Қарор лойиҳасида Халқ таълими вазирилик тасаруфидаги уч йўналиш — техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича "Баркамол авлод" республика болалар марказлари негизига Республика "Ижодкор болалар" мактаблари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказлари негизига "Болалар кутубхоналари"ни

ташқил этиш белгиланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим бериш, уларни интеллектуал ва жисмонан баркамол ривожлантириш устувор мақсад-вазифалар сирасига киритилган. 2018 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари айна шу мақсадда мавжуд 211 "Баркамол

авлод" болалар марказидан 192 тасини назорат-таҳлил тартибда ўрганиб, бир қатор камчиликларни аниқлаган эди.

Бугун республикадаги умумтаълим мактабларида жами 5 миллион 248 минг 484 ўғил-қиз таҳсил олаётган бўлса, шундан 130 минг 304 нафар ўқувчи, яъни умумий ўқувчиларнинг атиги 2,4 фоизи "Баркамол авлод" болалар марказларига қамраб олинган, холос. Марказнинг 192 таси мослаштирилмаган биноларда фаолият юритаётгани эса бу борада кўплаб муаммоларнинг туғилишига сабаб бўлган.

"2011-2014 йилларда "Баркамол авлод" болалар марказларини ташқил этиш бўйича манзилли рўйхатни

тасдиқлаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги йиғилиш қарорига мувофиқ "Баркамол авлод" болалар маркази бино сифимига қараб туман ва шаҳарларда 50дан 150тагача, вилоят ва республика марказларида кўпи билан 300дан 700тагача ўқувчини қамраб олиш қувватига эгаллиги кўрсатилган. Бироқ қамров билан боғлиқ масала амалда турлича ташқил этилгани аниқланди.

Фарғона вилоятида олиб борилган ўрганишлар жараёнида ҳудуддаги мактаб ўқувчилари сони 560 минг 39 тани ташқил этган ҳолда, улардан бор-йўғи 17 минг 379 нафари "Баркамол авлод"га жалб этилгани аниқланди.

2-бет →

Дидактик гаплар

"ХАФА БЎЛСАНГ, ОҚИН СУВНИ ЁҚАЛА..."

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбат



— Ватан туйғуси ҳар бир инсон қалбида ўзгача буй чўзади. Сиздек кўнгил сарҳади кенг ижодкор инсонда бу туйғу қандай кечади ва уни қандай тасаввур қиласиз?

— Ватан тушунчасининг асл маъноси, сарҳади шунчалик кенг ва чуқурки, уни вақт билан ўлчасангиз ҳам, бахт билан ўлчасангиз ҳам каффингизга қўнган бахт куши каби кўринади. Ўтган асрда шаклланган авлод вакили сифатида Ватанни уйинг остонасидан бошланиб, то кутб музликларигача бориб тақалади, деган тушунча билан вояга етганмиз ва унинг қудрати билан муқаддаслигига содиқ яшаганмиз.

8-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

уни ишлаб чиқишда ЎзМТДП фаол иштирок этади

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Айниқса, дунёда юз бераётган мураккаб мафкуравий ва геосийёсий жараёнлар, одам савдоси, экстремизм ва "оммавий маданият" таҳдид солаётган бир пайтда ёшлар масаласига янада жиддий, эҳтиёткорлик билан ёндашиш, бу жараённинг узлуksизлигини таъминлаш зарурати пайдо бўлмоқда. Аммо ёшлар орасида турли ёт ғоялар шаклланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда рўй бераётган янгиланиш суръатларидан ортда қолмоқда, миллий ғоя омилдан фойдаланиш имкониятини бермапти.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши соҳада юзага келган муаммоларни бартараф этиш ишларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз, — деди партия Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари С.Отмуратов. — Фармойишда концепцияни 3 ой муддатда ишлаб чиқиш белгиланган ҳамда тузилган ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари сифатида "Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Харакатлар стратегияси — замонавий Ўзбекистоннинг миллий ғояси" тамойилини жорий қилиш ва шу мавзуда адабиётлар яратилиш, миллий ғояни ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик, идоралар ҳузурда соҳа мутахассислари, миллий ғоя ўқитувчилари малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш марказини ташкил этиш назарда тутилган. Бу борадаги ишларни кенг тарғиб этиш, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар "Миллий тикланиш" демократик партияси, фракциямизнинг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Демак, ушбу концепцияни ишлаб чиқиш жараёнида партиянинг барча тузилмалари фаол иштирок этмоғи лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни каби бир қанча қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳалари унга қадар ЎзМТДП фракцияси йиғилишида ҳам муҳокама қилинган эди.

— Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг мураккаб илмий асос талаб қилиниши ва қимматлигига қарамай, ушбу энергия турларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда, — деди фракция аъзоси Жуманазар Отажонов. — Чунки

дунёда анъанавий ёқилғи турларидан оммавий равишда фойдаланиш глобал экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун, дунё бўйича ҳар йили 12 миллиард тонна нефть эквивалентига ёки ҳар бир аҳоли жон бошига ҳисобланганда 2 тонна нефть эквиваленти тенг углеводород ёқилғи турлари истеъмол қилинмоқда. Натигада ҳар йили 5 миллиард тонна sanoat чиқиндилари атмосфера ҳавосига ташланаётир.

"Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қабул қилишдан мақсад — айнан шундай глобал муаммоларнинг олдини олиш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини, ёқилғи-энергетика баланси диверсификация даражасини ошириш, мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шунингдек, қонун иссиқхона газлари ташланмаларини камайитириш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва мажмуавий чора-тадбирлар тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги"ги қонун лойиҳаси юзасидан ҳам фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирди.

— Халқимиз соғлигини асрашда шифокорлар билан бир қаторда табибларга мурожаат қилаётгани ва бу борада ижобий натижаларга ҳам эришилаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас, — деди фракцияси аъзоси Зумрат Бекатова. — Аммо халқ табибати фаолиятининг мувофиқлаштирилмагани, назорат қилинмагани натижасида айрим табиблар томонидан жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда ва бу фуқароларнинг қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлаётир. Фикримизни Олий суд томонидан 2010-2017 йилларда табиблар хизматидан фойдаланувчи аҳолининг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ бўлган 1 минг 529 иш кўриб чиқилгани ҳам тасдиқлайди.

Бугун муҳокама қилинган мазкур қонун лойиҳаси халқ табибати соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришга асос бўлади. Лойиҳа ушбу фаолият турини лицензиялаш, табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматнинг санитария меъёрларига мувофиқ бўлиши, сохта табиблар фаолиятига чек қўйиш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун солиқ тўловларини тартибга солиди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Р.МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия ва депутат ҳамкорлигида

ЎЗМТДП ФАОЛЛАРИ ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, миллий, маданий ва маънавий қадриятлар, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат, анъаналарини асраб-авайлаш, кўпайтириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош мақсадларидан ҳисобланади. Шунингдек, партия хунармандчиликни янада ривожлантириш, улар манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишни устувор вазифаларидан деб билади.



нармандчилик маҳсулотларини кўрибди.

Қорақалпоқ халқига хос ўтов — қора уй ўзининг қурилиши, кўриниши билан бошқа халқларникидан фарқ қилади. Ҳозирда Чимбой туманида 20дан ортиқ уйчи — ўтов тикловчилар фаолият кўрсатмоқда. Улар хунармандларга яратилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланаётир. Чимбойлик хунармандлар яратётган маҳсулотлар хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътибор ва эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Қорақалпоқ халқининг миллий урф-одат ва анъаналари қадимий бўлиб, улар асрлар давомида сайқалланиб келмоқда, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Ҳудудда юксак эстетик қимматга эга миллий хунармандчилик маҳсулотлари яратилмоқда. Уларни рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, мавжуд маданий ёдгорликлар, тарихий жойлар, меъморий обидаларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш лозим. Бу, ўз навбатида оролбўйи ҳудудда туризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Партия вакиллари тумандаги таниқли хунармандлар устахоналарида бўлиб, ўтов — қора уйнинг тайёрлиши жараёни билан танишди, усталар билан суҳбатда бўлдилар.

Экология муаммоси замонавий дунёнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 15 ноябрида Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Мўйноқ тумани аҳолиси Орол фожисидан энг кўп зарар кўрганлиги, уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнатқашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишни кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ташриф чоғида берилган топшириқлар асосида айти пайтда экологик оғир шароитда яшайётган Мўйноқ тумани аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш, Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик вази-

ятни юмшатиш, ҳудудда яшил ўрмонзорларни барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Мўйноқ тумани барча зарурий инфра-тузилмага, жумладан, инновацион мактаб, спорт объектлари, даволлаш-профилактика муассасалари, замонавий аэропорт, меҳмонхона, савдо ва кўнгулчар дам олиш марказлари, "селфи объект"лари, оптик талали интернет тармоғи, IP-телевидениега эга бўлган замонавий шаҳарча айлантирилади.

ЎзМТДП фаолларидан тузилган ишчи гуруҳ ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш, қарор ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида Мўйноқ тумани марказидан 45 километр узоқликда жойлашган "Бозатаў" ва "Мадели" овул фуқаролар йиғинидаги 9-умумтаълим ҳамда 12-умумтаълим мактаби фаолияти билан танишди. Партия вакиллари тумanning энг чекка ҳудудида жойлашган ушбу мактабларга иккита компьютер жамланмеси ва 100 дона китоб совға қилди. Шунингдек, мактаблар ҳудудига турли дархат қўчатлари экилди.

— Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар давомида мамлакатимизда табиатдан оқилона фойдаланиш сиёсати изчил амалга оширилмоқда, — дейди тумандаги 12-умумтаълим мактаби директори Бухарбой Икматов. — Хусусан, Мўйноқ туманида ҳам аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, ёшларнинг илм олишга қизиқишини ошириш юзасидан бир қанча мақсадли лойиҳалар йўлга қўйилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари билан учрашув чоғида мактаб жамоаси ҳамда ўқувчилар юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва унда ёшларнинг ўрни, партия, депутатлар ҳамкорлигида бажарилаётган ишлар юзасидан кенг маълумотга эга бўлдилар. Айниқса, партия фаоллари ҳада қилган китоб тўпламлари мактабимиз кутубхонасининг энг сара асарлари қаторидан ўрин олди. Уйлаймани, бу эзгу ташаббус нафақат ўқувчиларимиз, шунингдек, туманимиз ёшлари ҳаётида ҳам келажакка дадил қадамлар билан одимлашда муҳим омил бўлади.

Мирзахмет ТОЖИМУРАТОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши етакчи мутахассиси,
Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу борада энг паст кўрсаткич Фарғона шаҳрида (220 нафар) қайд этилган. Аслида эса вилоят марказидаги "Баркамол авлод"га яна камида 200 нафар ўқувчини жалб этиш имконияти бор экан. Қамров билан боғлиқ кўрсаткичга айрим ҳудудларда мактабдан ташқари таълимни бепул ёки арзон тўлов асосида хизмат кўрсатадиган тузилмалар таъсир ўтказётгани аниқланди. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли "Нефтчилар саройи"да 40дан ортиқ тўғарақ бепул, шаҳар маданият бўлимига қарашли "Маданият уйи"даги тўғарақларда эса бадал тўлови ойига атиги

ЎЗМТДП "БАРКАМОЛ АВЛОД" БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНГАН ЭДИ...

У Президент қарори лойиҳаси тайёрланишига асос бўлди

3 мингдан 5 минг сўмгача белгиланган.

Хоразм вилоятидаги марказларнинг аксарияти янги таъмирланган биналарда фаолият юритади. Бироқ мазкур муассасалардан тўлақонли фойдаланиш учун бир қатор омиллар ҳалақит қилмоқда. Жумладан, вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида Урганч шаҳар ҳокимининг штаби, Қўшқўпир туман марказида "Баҳористон" маҳалла фуқаролар йиғини, Хива шаҳридаги марказда шаҳар солиқ инспекцияси штаби ҳамда Хива туман мактабгача таълим муассасаси бўлими, Шовот туман марказида эса туман "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази жойлашгани аниқланди.

Ўқувчилар қамровини таҳлил этиш жараёнида Асака туманидаги "Баркамол авлод" болалар маркази 540 нафар ўқувчини қамраб олган бўлса-да, аслида иншоот 100 кишилик қувватга эгалиги ойдинлашди. Бу масала бир неча бор марказнинг филиалларини очиб орқали ҳал этилишга ҳаракат қилинган. Аммо марказ мутасаддиларининг бу борадаги ёзма ва оғзаки мурожаатлари маблағ билан боғлиқ бўлгани учун туман молия ва халқ таълими бўлимлари томонидан рад этилаверган.

Бу борада Сурхондарё вилоятига хос муаммолардан бири бу, марказларнинг ўқувчилар учун ноқулай ҳудудда жойлашганидир. Масалан, Музарот туманидаги "Баркамол авлод" муассасаси туман марказдан 16 километр узоқликда жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 275-сонли қароридан сайёҳлик инфратузилмасини яхшилаш, сайёҳлик базаларини ташкил этиш каби вазифалар белгиланган эди. Халқ таълими вазирининг 2017 йил 15 майдаги 160-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида намунавий штат тузилмаси ишлаб чиқилди, ҳокимликлар билан келишилган ҳолда марказлар тасарруфида сайёҳлик базаларини ташкил этиш ва улар учун бино ажратиш вазифаси юклатилди. Бироқ ўрганишлар давомида жойларда ушбу базаларни ташкил этиш билан боғлиқ масала ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, "Баркамол авлод" болалар марказларида ўлканунолик ва экология йўналишидаги 18 тўғарақнинг фаолияти қониқарсиз экани, Хоразм вилоятида туризм нисбатан ривожланганлигига қарамастан, ушбу турдаги тўғарақларнинг 11 таси фаолият кўрсатмаётгани аниқланди.

Самарқанд вилоятидаги "Баркамол авлод" болалар марказлари тўғарақларининг самарадорлиги ўрганилганда, Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган тўғарақлар ҳам борлиги, бироқ уларнинг фаолият юритмаслиги аниқланди. Бундай ҳолатлар Сурхондарё, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида ҳам кузатилади.

Бир-бирини такрорлаётган ва самарадорлиги паст бўлган соҳалардан яна бири — бу марказлардаги спорт йўналиши. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида фаолият юритаётган спорт тўғарағида спорт инвентарлари етишмайди. Ганталарнинг ўрнига, сув ва қум билан тўлдирилган ҳар хил опирлиқдаги қўлбола турли чиқиндилардан, пластик идишлардан ясалган "спорт инвентарлари"дан фойдаланилмоқда. Шундай вазиятда "Баркамол авлод" болалар марказларига, бу соҳа бўйича тўғарақлар зарурмикан?" деган савол туғилади. Чунки соҳадagi ҳодимларни касб малакасини оширишга қаратилган ўқув-дастурларида ҳам спорт йўналиши назарда тутилмаган.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси берган маълумотларига кўра, вилоятда ўқувчилар 30дан ортиқ ҳам тўғарағига қатнашиб келмоқда. Энг қизиғи, уларнинг аксарияти Халқ таълими вазирлиги тавсия этган тўғарақлар рўйхатида йўқ. Булар "Бўлажак тилшунослар", "Ёш кимёгар", "Ёш ҳуқуқшунос", "Ёш математиклар" ва бошқалар. "Баркамол авлод" болалар марказларини фанларга иxtисослаштириш яхши ғоя, бироқ республика бўйича бу борада замон талаблари, ўзгарувчан меҳнат бозори кўндаланг қўяётган вазиятларда ишлаб кетадиган, шароитга мослашадиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган ягона позицияни шунда чикиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, айни кўлда "Баркамол авлод" болалар марказлари ёшларнинг нафақат бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, балки уларни ижодий фикрлаш, эстетик тарбиялашдан

ташқари касбга йўналтиришга ҳам хизмат қилишни инобатга олиш даркор.

"Баркамол авлод" болалар марказларига ўқувчиларни жалб этиш бўйича ёш таснифи ўрганилганда, сўнгги бир йилда 16-18 ёшдаги ўқувчиларнинг ушбу тўғарақларга қизиқиш кўрсаткичи тобора пасайиб бораётгани аниқланди. Бундай ҳолатлар марказларнинг уюшмаган ёшларни жалб этиш борасидаги имкониятларни ишга солмаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Баркамол авлод" болалар марказларининг фаолияти юзасидан ҳудудларда очик мулоқотлар ташкил этилди.

Марказларнинг педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари мисолида таҳлил этилди. Тизимда кадрлар кўнимсизлиги йилдан-йилга долзарблик касб этаётгани кўзга ташланди. Жумладан, Навоий вилоятида 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, жами 11 марказ директори лавозимининг икки нафари вакант. Аксарият вилоятларда марказ раҳбар кадрларида кўнимсизлик ҳужм сурмоқда. Бундай ҳолатни педагог кадрларда ҳам кузатиш мумкин. Бир нафар педагог (айниқса, олий маълумотли) кўпи билан бир ёки икки йил фаолият юритишни аниқланди. Айниқса, марказга қатнайдиган ўқувчилар сони кескин камайиб кетса, нафақат тўғарақ, балки ўқитувчи ҳам фаолиятини тўхташига мажбур бўлмоқда. Қолаверса, уларнинг иxtисослиги ҳам таълим бераётган соҳа талабига мос эмас. Масалан, Бўка туманидаги марказда "Инглиз тили тўғарағи" раҳбари Ирода Отабоевнинг мутахассислиги бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш бўлиб, у бор-йўғи бир ойлик ўқув курсини тамомлаган. Тўғарақ раҳбарлари билан ўтказилган мулоқотлар давомида уларнинг соҳага доир билимлари етарли эмаслиги, ушбу йўналиш бўйича ойлик курсларида навалат таълим муассасаларида малакасини оширгани маълум бўлди.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси берган маълумотга кўра, таълим берувчи педагогларнинг ҳар уч йилда бир марта вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ташкил қилинадиган қайта тайёрлов курсларида малака ошириши белгиланган. Бироқ тизимдаги педагогларнинг 80 фоизи уч йилга етмасдан бошқа ишларга ўтиб кетаверган.

Назорат-таҳлил ишлари давомида марказларнинг моддий-техник таъминотида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Конимеҳ, Томди, Навбаҳор туманлари "Баркамол авлод" марказларида ичимлик суви ва газ таъминотидаги муаммолар таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳатто, Тошкент шаҳрида ҳам иситиш тизими билан боғлиқ камчиликлар кузатилди. Нукус шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази кўп қаватли уйнинг пастки қисмида жойлашган ва санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди.

Марказларда ишловчи мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи ҳам ўрғанилди. Деврли барча марказ раҳбарлари педагогларга тўланадиган маоши етарли эмаслиги, уларнинг иш ҳақларини мактаб ўқитувчиларникига тенглаштиришдаги намунавий маълумотли, салоҳиятли кадрларни марказларга жалб этиш мумкинлиги, ходимларнинг фаолиятини педагогик стажга киритиш лозимлиги ҳақида таклифлар билдирилди.

Ўқувчиларни вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларга олиб бориш учун йўл ҳаражатлари тўғарақ раҳбарлари еки ота-оналар ҳисобидан қопланаётгани аниқланди. Бу эса уларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган. Фарғона вилояти мисолида таҳлил этадиган бўлсак, "Баркамол авлод" болалар марказининг моддий-техник ҳолати, товар моддий бойликлари талаба жавоб бермаслиги ҳамда ярқисз ҳолатга келиб қолгани, дарс жараёнида ўқувчилардан хом-ашё материаллар сотиб олиш учун қўшимча пул олиниши ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, "Ёш пазанд" ҳамда "Ёш қандалотчи" тўғарағига қатнайдиган ўқувчилар марказга бериладиган бадал тўловидан ташқари озик-овқат маҳсулотлари учун қўшимча равишда пул йиғиб маҳсулот сотиб олмақда. Ваҳоланки, марказнинг хом-ашё билан таъминлаш ўқувчиларнинг бадал тўловидан қопланиши керак эди.

ЎзМТДП жойлардаги "Баркамол авлод" болалар марказларини ўрганиш юзасидан аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этган эди. Айни пайтда мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда.

Муҳокамадан сўнг ушбу қарор расман қабул қилинади, у ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари, сайловди Платформасига ҳамоханг. Демак, ҳудудий партия ташкилотлари ва ундан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари ушбу қарор ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Раҳван МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ТУРИЗМ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ, ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Унда белгиланган 21 та асосий тушунчадан 9 таси, масалан, "туристик хизматлар буюртмачиси", "жойлаштириш воситаси", "туристик фаолият" каби тушунчалар тегишли моддаларга сингдирилди ва асосий тушунчалар сирасидан чиқариб ташланди. Лойиҳа қатор янгиликлар, янги атамалар ва тушунчаларга бой бўлгани учун Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясида қонун ижодкорлари, мутахассислар ва тилшунослар иштирокида яна бир бор муҳомадан ўтказилиб, юридик атамалар ва тил қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштирилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳомадаларга бой бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ривожланиши учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш маънавиятини энергетик, экологик ва иқтисодий хавфсизлиги мақсадларида, шунингдек, республика энергетикасининг барқарор ривожланиши учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қайта

тикланувчи энергетика чекка, тоғли ва узок ҳудудларнинг энергия таъминотида иқлим шароитимизга мос кўш ресурслари, кичик гидроэнергетика, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия иқтисодий асосланган энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Муҳокамалар чоғида қайд этилганидек, айни соҳадаги муносабатларни тартибга солиш борасида қатор норматив ҳужжатлар, тегишли қарорлар қабул қилинган, кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада алоҳида қонуннинг қабул қилиниши эса, аввало, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада кенг ривожлантириш ва жорий этишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани, соҳадаги ишлар учун қонуний асос, кафолат яратиш орқали чет эллик инвесторларнинг ишончини қозониш ҳамда манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида, ижтимоий соҳаларда энергия самардорлигини ҳамда ёқилғи-энергетика балансини, мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш, соҳада давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ва мажмуавий чора-тадбирларини тизимли

мустақамлашга кўмаклашади.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишдаги муҳокамаларда билдирилган асосий эътирозлар — ҳаволаки нормалар бартараф этилди, соҳанинг ваколатли органи аниқ белгиланди.

Мажлисда қизгин муҳокама қилинган масалалардан яна бири "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Қайд этилганидек, мазкур лойиҳа мамлакатимизда давлат-хусусий шериклининг ҳуқуқий асосини яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ, давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш бўйича ягона қоида ва тартиботни ўрнатишни кўзда tutади. Лойиҳанинг қабул қилиниши чет эл инвестицияларни янада кенг жалб этиш, истиқболли лойиҳаларни халқаро тажриба асосида амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, қўшимча иш ўринлари яратилишига, давлат-хусусий шериклик жараёнларига жалб қилинадиган соҳаларда мутахассисларнинг малакасини юксалтиришга кўмаклашади.

Мазкур қонун лойиҳа муҳокамалари мобайнида сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари ўз-

ларининг қатъий муносабатини баён этди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси хусусида фикр юритар экан, унинг қабул қилиниши Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклининг мустақкам ҳуқуқий асосини яратишига ишонч билдирди. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, халқаро тажриба асосида лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратишини маълум қилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси қўшимча иш ўринлари очилишига, давлат-хусусий шериклик жараёнларига жалб этиладиган мутахассисларнинг билим ва маҳоратини оширишга ёрдам бериши қайд этилди. Партия сайловолди дастурига уйғун ва ҳамохан бўлган ушбу қонун лойиҳасида давлат-хусусий шериклининг мақсад ва мезонлари, амал қилиш муддати, таъсир этиш соҳалари, шартнома томонлари ҳамда институционал механизми аниқ белгилангани баён қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

"Хизмат — беминнат"

Албатта, барча ота-она фарзандининг сифатли таълим олиши ёки бирон бир хунарни кунт билан ўрганиб, келажақда юртга, жамиятга фойдаси тегадиган етук мутахассис бўлиб етишишни хоҳлайди. Бунинг учун эса баъзан маълум миқдорда маблағ талаб қилинади. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳамманинг ҳам бунга молиявий қурби етавермаслиги шубҳасиз.

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШ АМАЛГА ОШИРИЛДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан амалга татбиқ этилган "Хизмат — беминнат" ўқув курслари лойиҳаси ёшларни касб-хунарга ўргатиш, қўшимча билим бериш, бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ташаббуси билан Хувайдо маҳалласида фаолият кўрсатаётган ўқув курсларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига ҳам бепул таълим олиш имконияти яратилди. Ушбу марказ эндиликда хунар ўрганиш, қўшимча таълим олиш истигадиги ёшларни турли фан йўналишлари, спорт, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди.

— Партиянинг "Хизмат — беминнат" ўқув курслари лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ҳамда Ҳаракатлар стратегияси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик, — дейди партия туман кенгаши раиси Феруза Жалилова. — Маҳалла аҳолиси ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари учун ўқув курслари ташкил этишда кўмаклашишни сўраб мурожаат қилган эди. Маҳалла раиси Илхом Асадов билан маслаҳатлашиб, ушбу масалага тезда ижобий ечим топдик. Чунки катта ҳаёт оstonасида турган ўғил-қизлар ўз мустақил фирми, бирор соҳага доир кенг қўламли билимларга эга бўлса ёки ўзи хоҳлаган касб-хунарнинг

этигини тутса, келажақ ҳаёт йўлида учрайдиган катта-кичик тўсиқлардан ҳеч бир қийинчиликсиз ўтиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Маълумки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ўз қарашларида миллий ғоямизга таянган, хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб етиштириш каби вазифалар устувор масала сифатида белгиланган. Уни амалга оширишда партиядан сайланган депутатларнинг ҳам хизмати катта бўлмоқда.

Шу кунги халқ депутатлари туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Дилфуза Исомитдинов ҳомийлигида "Хизмат — беминнат" ўқув курслари учун компьютер жамланмаси тақдим этилди.

— Маҳаллада очилган ўқув курсларида мактабимиз ўқитувчилари ҳам дарс бериб келмоқда, — дейди 169-мактаб директори Гулноза Эргашева. — Депутатимиз томонидан ҳрмийлик асосида берилган кўмақдан ушбу ўқув курсларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ҳамда ўқиб, хунар ўрганаётган ёшлар ҳам кенг фойдаланиш имкониятига эга. Бу, албатта, энг аввало, касбий таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Дилфуза САҒОЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши бош мутахассиси

Сайёр қабул

"ҚИЛ КЎПРИК" ДАН ҚЎРҚАЁТГАН ОДАМЛАР...

Одамларнинг қалбига узокдан қўл солиб бўлмайдми, бунинг учун уларнинг олдига бориш лозим. ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши ташаббуси билан Саритепа маҳалласида шу мақсадда сайёр қабул ташкил қилиниб, аҳоли билан юзма-юз учрашувлар ўтказилди. Мулоқотларда аҳоли кун тартибига қўйган мурожаатларнинг аксариятига жойида ечим топилди, айримларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идоралар масъулиятни зиммасига олди.

Саритепа аҳолисини қийнаётган муаммо кўприк билан боғлиқ. Гап шундаки, мазкур маҳалладан катта канал оқиб ўтади. Одамлар ўз имкониятидан келиб чиқиб бир неча йил илгари қўлбола кўприк қурган. Иншоот хавфсизлик қоидаларига жавоб бермагани учунми, одамлар унга ҳатто "Қил кўприк" дея ном беришга ҳам улгурган. Чунки мактаб ўқувчилари нари турсин, ҳатто катталар-

нинг ҳам кўприқдан ўтишга юраги дов бермайдми. Учрашувда "Қил кўприк" масаласи ҳам кўтарилди. Ушбу муаммони бартараф қилиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Жумладан, халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари туман ҳокимлигига депутатлик сўрови орқали мурожаат қиладиган бўлди.

— Маҳалламизда ичимлик суви муаммоси ҳамон ўз ёчимини топмапти, — дейди меҳнат фахрийси Абдулло Омонов. — Худудимизда на бир булоқ бор, на тоза ичимлик суви оқиб ўтадиган қувур. Шу сабабли маҳаллий "тадбиркор"лар махсус автомашиналарда сув олиб келиб сотади. Аммо назорат йўқлиги сабабли улар сувга хушига келган нархни кўяди. "Мушугини пишт" деб кўринг — сувсиз қоласиз.

Партия вакиллари ушбу масала билан шуғулланиб, маҳаллага ичимлик суви олиб келиш масаласи лойиҳалаштириляётганини аниқлади. Суви вақтида олиб келиш ва нарх масаласи эса назоратга олина-

диган бўлди. Очiq мулоқотда газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам кўтарилди. Маҳаллада табиий газ йўқ, суултирилган газ баллонлари етказиб бериш ишлари эса тизимли йўлга қўйилмаган. Партия вакиллари ва депутатлар сазй-ҳаракати билан шу куннинг ўзида аҳолига 200 газ балони тарқатилди ва бу масала ҳам доимий назоратга олинмади.

— ЎзМТДП ўтказаятган бундай сайёр қабуллар халқ билан мулоқотда ўзига хос кўприк бўлмоқда, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Сарвар Назарқосимов. — Бу ҳар бир тизимдаги раҳбар, жумладан, ўзимиз учун ҳам ўз фаолиятимизга четдан баҳо бериш, хато-камчиликларни тузатишда катта имкониятдир.

Саритепадаги сайёр қабулда кўтарилган бошқа масалалар ҳам ўрганилиб, назоратга олинди.

Санжар ҚУРОЛОВ,
ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши раиси

Ташаббусдан сўнг...

МАДАНИЙ МЕРОС: СИРДАРЁДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ-Ю ҚАЙ БИР ВАЗИФАЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТАПТИ?

Аждодларимиздан мерос тарихий масканлар, муқаддас қадамжо ва археологик ёдгорликлар ўтмишининг келажакка қолдирган шъомидир. Уларни асраб-авайлаш, келуси авлодларга асл ҳолида этиб беришини таъминлаш бугунги авлод зиммасидаги муҳим вазифа, қолаверса, тарихимиз, аждодларимиз олдидagi муқаддас бурчимиздир.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда маданий мерос объектларини кўз қорачиғидек асраш, муҳофаза қилиш ҳамда сайёҳлар ташриф буюрадиган обод масканга айлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳам партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, аниқ ва ҳаётий ташаббусларни амалга ошириб келаётир. Жумладан, ЎзМТДП Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари вилоятдаги мажбул маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Вилоят кенгашининг чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2018 йилнинг 20 сентябрь — 15 октябрь кунлари ҳудудий ва маҳаллий ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда ҳудуддаги мажбул маданий мерос объектларининг ҳолати ўрганилди, — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Шерзод Нурматов. — Вилоят ҳокимининг 2016 йил 25 октябрдаги фармойишига мувофиқ, ҳу-

дудда жами 67 моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Ўрганишлар жараёнида эса яна 11 объект аниқланди ҳамда жами 78 маданий мерос объектини рўйхатга олиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланиб, вилоят ҳокимлигига тақдим қилинди. Унда йўқолиб кетган маданий мерос объектлари рўйхатдан чиқарилиб, янги топилаётган кириптилган. Жумладан, Ховос туманидаги Саъду-Саид, Шер бобо, Юсуф бобо, Биби Хадича мақбаралари, Мирзаобод туманининг "Янгийўл" ва "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Турғун Аҳмедов бюсти, Янгиер шаҳридаги Иқсон Низомов монументал ёдгорлиги, Ҳамид Олимжон бюсти ва бошқа ёдгорликлар янги маданий мерос объекти сифатида рўйхатга киритилди. Мавжуд 78 маданий мерос объектининг 18 таси археология, 15 таси архитектура, 41 таси монументал санъат ёдгорлиги ҳамда 4 таси диққатга сазовор жойлардир. Ўрганишлар мобайнида маълум бўлдики, жами объектнинг 60 тасида кадастр ҳужжатлари мавжуд, 61 тасида муҳофаза белгилари ўрнатилган.

Бундан ташқари, партия вакиллари-нинг ўрганишлари довомида ҳудуддаги 11 объектнинг тарихи ўрганилмагани,



аниқроғи, Маданият вазирлигига моддий маданий мерос объекти сифатида эътироф этиш, тарихий-маданий экспертиза хулосасини олиш учун юборилмагани аниқланди. Шунингдек, 2 маданий мерос объекти рўйхатда бор, жойи ҳам белгиланган, ўзи эса йўқ. Улар — Гулистон шаҳридаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотира-сига бағишланган монументал санъат ёдгорлиги ҳамда Ширин шаҳрида жойлашган Амир Темур бюсти. Умуман олганда, 1990-2018 йиллар оралигида

вилоятдаги маданий мерос объектларидан бирортаси рўйхатдан чиқарилмаган. Яъни йўқолиб кетган ёхуд маданий мерос объекти талабларига жавоб бера олмай қолган бирорта маҳалла рўйхатдан чиқарилиб, аниқ ҳисоби юритилмаган.

Шу ўринда айтиш жоиз, ушбу ўрганишлардан аввалроқ, яъни 2018 йилнинг 12 март куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг ташаббуси билан вилоят

Кенгаши сессиясида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижросини ўрганиш ҳақида"ги масала кўриб чиқилган ҳамда Кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинган эди. Айни пайтда сессия қарори қабул қилинган кейин бир йил, партия вакиллари-нинг ўрганишларидан эса 6 ой муддат ўтди. Ҳўш, шу вақтга қадар қандай ишлар

амалга оширилди-ю қайси вазифалар қоғозда қолиб кетяпти? Ушбу масала билан қизиқдик.

Натижалар куйидагича:

- сессия қароридан сўнг 5 маданий мерос объекти реставрация қилина бошланди;
- Шаҳар ҳокимлигининг Гулистон шаҳридаги 26 объектнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан қарори чиққан;
- Гулистон, Янгиер шаҳри, Сардоба, Оқолтин, Боёвут туманларидаги маданий мерос объектлари 60 фозининг кадастр ҳужжатлари тайёрланган, қолганлари эса тайёрланиш жараёнида;
- Тарғибот тадбирлари давом этипти, ишчи гуруҳ томонидан тарихий жойларда қурилиш ишларини таққиклаш бўйича хулосалар берилмоқда.

Бирок шундай бўлса-да, ҳали амалга оширилми зарур бўлган ишлар етарли. Сессия қарориди кўрсатиб ўтилган бир қатор масалалар бир йил вақт ўтганига қарамай, ҳамон ижро этилгани йўқ. Хусусан, бугунги кунда аҳамиятсиз бўлиб қолган айрим тепаликларни маданий мерос объектлари рўйхатидан чиқариш лозим, бироқ бунинг учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти илмий

эксперт кенгашининг хулосаси зарур. Гулистон шаҳридаги эътибордан четда қолган XIX аср охири XX аср бошларига оид меҳмонхонани капитал таъмирлаш тўғрисидаги таклиф бу йилги дастурга киритилмаган. Гарчи объектларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг минтақалараро давлат инспекцияси томонидан маблағ ажратилган бўлса-да, лекин Ширин шаҳар, Сирдарё, Сайхунбод, Мирзаобод туманлари ҳокимлиги ушбу масалага вақтида эътибор қаратмаган, тегишли қарорлар чиқарилмаган.

Ўрганишлар довомида, Сирдарё вилоятда тарихий, маданий ёдгорлик ва масканларни асраб-авайлаш борасида амалий сазй-ҳаракатлар билан бирга ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талай экани маълум бўлди. Бу эса ҳудуддаги ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлари, қолаверса, тегишли мутасаддилар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар ушбу йўналишда жорий йилда ҳам ўзаро ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга оширилиши талаб этилади. Зеро, маданий мерос объектларини давлат муҳофазасига олиш, муаммоларни бартараф этиш ҳудуднинг туризм салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мухтарома КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЭСКИ ШАҲАР: ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ЧОРРАҲАСИДА

германиялик олим туризмни ривожлантиришга доир таклифларини билдирди



Чорсу бозорининг XIX асрдаги кўриниши



Чорсу бозорининг ҳозирги кундаги кўриниши



Чорсу бозорини реконструкция қилиш лойиҳаси

Ўзбекистон худуди қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк йпак йўли ҳам айнан ушбу худуддан ўтган ва кўҳна заминимизда илм-фан билан бирга шаҳарсозлик анъаналари ҳам тараққий этган. Хорижликларнинг юртимиздаги меъморчилик обидалари, кўҳна осори-атиқаларнинг кўплигига ишора қилиб, айрим худудларимизни "очиқ осмон остидаги музей" дея эътироф этиши бежиз эмас.



Дунё миқёсида кечаяётган глобаллашув нафақат одамлар тафаккури, балки бунёдкорлик ишларининг юқори суратда ўсишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шаҳарларда улкан, замонавий санат ва ижтимоий иншоотлар қуриляпти. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутга барҳам берилмоқда.

Мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган бундай ишлар шубҳасиз, таҳсинга сазовор. Аммо тарихга нисбатан эътиборсизлик, масъулиятсизлик, кўр-кўрона муносабат оқибатида айрим ноёб ва нодир ёдгорликлар, иншоотлар йўқолиб бораётгани ҳам сир эмас.

Архитектура ёдгорликларини сақлаш бўйича германиялик етук мутахассис, ИКОМОС (Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни сақлаш бўйича халқаро кенгаш) аъзоси, профессор Йенс ЙОРДАН билан бўлган суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Хурматли Йенс, дастлаб муштарийларимизга ўзингиз, Ўзбекистондаги илмий фаолиятингиз, қолаверса, Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни сақлаш бўйича халқаро кенгаш хусусида сўзлаб берсангиз...

— Аввало таъкидлаш жоиз, ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Маданий меросни сақлаб қолиш дунёвий муаммо саналади. Тарихий обидалар эса ўз тарихи, асосли манбаларга оидлиги билан қадрлидир. Шу маънода ИКОМОСга 1965 йилда асос солинган. У бутун дунёдаги маданий мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш билан шуғулланади. Шу боис ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Халқаро кенгашга бугунги кунда 110 мамлакатдан 10 мингга яқин меъмор, тарихчи, муҳандис, шаҳарсозлик бўйича мутахассис аъзо бўлган. Улар ИКОМОС фаолиятида ўз мамлакатидagi маданий-тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича тузилган миллий кўмита орқали қатнашиб келади.

Бевосита ўзимга келсак, қарийб ўн беш йилдан буён юртингиздаман, ўн уч йилдирки, мамлакатингизда бу йўналишда илмий изланиш олиб бораёман. Дунё тамаддуни бешиklarидан бири бўлган Самарқанд шаҳрида ўқидим, юртингизнинг тарихий

таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилишдир...

— Тўғри, аслида, қурилишдан мақсад — ободлик. Одамларнинг ишлаши, яшаши, дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш лозим. Аммо бу тарихий иншоотларга зарар етказиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Мисол учун, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида шунчалик катта ўзгаришлар қилинмаптики, бугун кўрган иншоотни олти ой ўтиб кўрмайсиз. Унинг ўрнига кўпқаватли турар-жой, савдо мажмуаси ёки ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлаётди. Эртага улар шаҳар бюджетига катта даромад келтириши табиий. Лекин қисқа мuddатли фойда ортидан қувиб, улкан даромад манбаи йўқотиб қўйилмаётми? Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режасида келгуси авлодларнинг ҳам манфаатлари ҳисобга олиниши, маҳалларнинг тарихий меъморий қиёфасини асраб қолган ҳолда таъмирлаш ва ободонлаштириш олиб борилиши керак эмасми?

Ўзбекистон қадим тарихи, бетакрор обидалари, миллий анъаналари ва ўзига хос урф-одатлари билан дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келади. Шу боис, юртингизда энг сердаромад соҳа ҳисобланган туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин хорижлик сайёҳлар учун замонавий осмонўпар бинолар эмас, халқингизнинг элик-юз йил илгари қандай уйда яшагани, айтайлик, нураган деворлар, сўрида дам олиб, ўчоқда овқат қилгани, човғумда чой қайнатиб, қишда танчада жон сақлагани, табиий жин кўчалари ҳам қизиқарли эканини эътибордан соқит қилмаслик керак. Қолаверса, ёшларингиз эртага китобдан бу ҳақда минг ўқиганидан кўра, ўша жойни бир бориб кўргани афзал эмасми? Бундай жойларни кўрсатишдан ҳеч қачон уялмаслик керак. Зеро, ҳар бир халқнинг тарихи ўтмиши билан қизик. Ўтмишини, аждодларини унутган, тарихдан сабоқ чиқармаган халқнинг келажагини тасаввур қилиш қийин.

Бу билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини бутунлай сақлаб қолиш керак, демоқчи эмасман. Айтайлик, Чорсу бозори атрофида шундай маҳаллар ҳам борки, бу жойда маълум бир йўналишга ихтисослашган ҳунармандлар оиласи яшайди. Миллий меъморчилик анъаналарига риоя этилган ҳолда қурилган бундай уйлар атрофида устaxonалар, масжид-мадрасалар, чойхоналар жойлашган ва айримлари ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда. Туристларнинг бевосита устaxonаларда бўлиб, иш жараёнини ўз кўзи билан кўриши ва хоҳласа иштирок этиши қанчалик жозибадорлигини тасаввур қилаясизми?

Эски шаҳарни очиқ осмон остидаги этнографик музей дейиш мумкин. Бундай маҳалларда оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Лозим бўлса, туристлар бирон хонадон ёки чойхонада ўзбек миллий таомларини ўчоқда ўз қўли билан тайёрласин. Миллий либослар, ҳунармандчилик маҳсулотларининг тунги бозорини йўлга қўйиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Мана, туризмдан келадиган яна бир даромад манбаи. Самарқанд, Бухоро ва Хивада ҳам худди шундай бозорларни ташкил қилса бўлади.

Дунё сайёҳларига маълум машҳур бўлган бундай бозорлар Европада ҳам, Шарқнинг қадимий шаҳарларида ҳам бор. Бунга Истанбулдаги "Гранд бозор", Қоҳирадаги "Ҳон ал-Халилий", Қуддусдаги "Қуддус суқи", Дубайдаги "Мадинат Жумейра", Мароқашдаги

"Мароқаш суқи" каби бозорларни мисол қилиш мумкин.

— Тўғри, лекин пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида истиқомат қилувчилар ҳам кенг, ёруғ, зарур муҳандислик-коммуникация тизимларига уланган, замонавий турар-жойларда яшашни хоҳлайди...

— Шундай савол беришингизни кутганим. "Эски шаҳар" деганда, аксарият одамларнинг тасаввурига умуман замондан орқада қолган, шароити йўқ маҳалла тушунилади. Тўғри, у ерга ҳамма нарса етиб бормаган. Мисол учун иссиқ сув, канализация, асфальт кўча... Лекин шу ерда яшаётган аҳоли билан маслаҳатлашиб, керак бўлса уларга турли имтиёзлар бериб, уйининг табиий кўринишини сақлаб қолган ҳолда тор кўчалардан ҳам муҳандислик-коммуникация тармоғини ўтказса бўлади. Бунда ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Агар Эски шаҳарга кундалик турмуш учун асқотадиган барча муҳандислик-коммуникация тизими ўтказилса, зарур шароитлар яратиб берилса, ўйламанки, хорижлик сайёҳлар келишидан манфаатдор бўлган маҳаллий аҳоли, албатта, ота-боболари яшаган, киндик қони тўқилган маҳалласида қолиб яшайди. Демоқчиманки, шаҳарнинг янги шаҳар қисми билан бирга, тарихий худудиди ҳам бунёдкорлик ишлари уйғун тарзда олиб борилса...

Хабарингиз бўлса, ўтган йили Чорсу бозорини реконструкция қилиш лойиҳаси эълон қилинди. Унда бозор худудиди бир неча бинолар қуриши, шу ерда сақланиб қолган ягона ва қадимий Гулбозор маҳалласи ўрнида кўпқаватли уйлар бунёд этиш назарда тутилган. Бу режадан воз кечиш керак, назаримда. Чунки бозор тагида қадимий Бинкент археологик ёдгорлиги мавжуд. Эски шаҳар, Чорсу бозори асрлар давомида эволюцион тарзда шаклланиб бўлди. Унинг қиёфасини мажбуран замонавийлаштириш, ўзгартириш эски бозор худудининг халқингиз учун қадри ва бетакрор бўлган руҳиятини йўққа чиқаради.

Икки ярим минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган Тошкент ана шундай аянчли аҳволга тушиб қолмаслиги учун Президентинг томонидан қўрилган оқилона ечимдан хорижлик мутахассис қиёфасида жуда хурсанд бўлдим. Давлат раҳбари томонидан ўтган йилнинг август ойида қабул қилинган фармонга кўра, Тошкентнинг бош режаси тасдиқланмагунча ва архитектура жиҳатидан ривожлантиришнинг истиқболлари аниқ белгилангунча қадар пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида бузиш, реконструкция қилиш ва капитал қурилиш бўйича ишларни олиб бориш таъқиқлангани эътиборга молик.

Шунингдек, бундай оқибатларнинг олдини олиш, Эски шаҳар ансамблини сақлаб қолиш, бу масканни туризм марказларидан бирига айлантириш мақсадида Германиянинг халқаро миқёсдаги меъморчилик ва шаҳарсозлик билан шуғулланувчи "BAUHAUSE" фонди мутахассислари Чорсу худудиди бир неча йил давомида илмий изланиш олиб борди. Эскиз лойиҳалар ишлаб чиқди, таклифлар билдирди ва бу ҳужжатларни тегишли идораларга тақдим қилди. Шунинг қанчалик ижро қилиниши эса энди шаҳар мутасаддиларига боғлиқ.

— Европа давлатлари, жумладан, Германия ҳам шундай муаммоларга

дуч келганми ва келган бўлса, бу масала қандай йўл билан ҳал қилинган?

— Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даврида Германияда ёппасига бузиш ва қайтадан қуриш ишлари бошланган. Минглаб тарихий аҳамиятга молик иншоотлар билиб-билмай текисланган, кўпига жиддий зиён етказилган.

Кўҳна қиътада тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш мақсадида 1964 йилда Италиянинг Венеция шаҳрида европалик меъмор ва мутахассислар иштирокида халқаро конгресс бўлиб ўтди ва бу бўйича Венеция хартиясини қабул қилинган. Унда Европа тарихий иншоотларини асраш ҳамда реставрация қилишнинг халқаро стандартлари белгиланган. Орадан бир йил ўтиб, бу борадаги ишларни бевосита назорат қилишни янада кучайтириш мақсадида ИКОМОС халқаро ташкилоти ва барча давлатда миллий кўмиталар тузилган. Бугун Европада бундай ҳолатларга умуман йўл қўйилмайди. Бу борада қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинади.

— Ўзбекистонда ҳам бу борадаги ишларни тартибга солиш учун нима ишлар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Аввало, тарихий ва маданий аҳамиятга молик иншоотларни асраб-авайлаш, таъмирлаш бўйича қабул қилинган қонунларга тўла амал қилиш, қарор ва дастурлар ижросини таъминлашни қатъий назорат қилиш лозим. Маҳаллий ҳокимият вакиллари, муҳандислар ва қурувчиларни ҳам Ватан тарихи, худудлардаги моддий-маданий ёдгорликларни билиш, асраб-авайлашга ўргатиш керак ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур. Энг муҳими, ҳокимият вакиллари бирон замонавий иншоотни қуришдан олдин унинг атрофидаги ёдгорликларга зарар етиш-етмаслиги масаласида тегишли идора мутахассисларига хабар қилиб, маслаҳатлаштириш, хулосасини олиши лозим. Улар рухсат бергандан кейингина қурилиш ишларини бошлаш мақсадга мувофиқ.

Билишимча, бир вақтлар улкан илмий база ва салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон тарихий обидаларини илмий-тадқиқ қилиш, лойиҳалаш ва таъмирлаш институти фаолият кўрсатган экан. Ушбу институтнинг Фанлар Академияси қошида қайтадан ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, Ўзбекистон ҳам ИКОМОСга аъзо бўлиши зарур, деб ҳисоблайман. Чунки бу миллий кўмита тузишга йўл очади. Халқаро кенгаш эса маъмурий оқилона объектларини сақлаш, тиклаш, консервация қилиш, яъни ёдгорликнинг асл тузилишига бирон ўзгартириш киритилмаган ҳолда уни сақлаб туриш учун вақти-вақти билан энгил таъмирлаш усулларини қўллаш борасида қабул қилинган халқаро стандартларга қатъий амал қилинишини назорат қилади, бу йўналишда лойиҳалар тақдим қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги экологик муҳит ва техноген сабаблар салбий таъсир кўрсатмасдан туриб, тарихий обидаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Зеро, мамлакатингиздаги ҳар бир тарихий обиди улкан меросдир ва уни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчи ҳисобланади.

"Milliy tiklanish" мухбири Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди

Менда таклиф бор...

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ТЕЛЕКАНАЛИ:

МУНОЗАРА, МУШОҲАДА, ТАКЛИФЛАР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 28 декабрь куни Олий Мажлиси Мурожаатномасида буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга слоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” канални ташкил этиш, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш кераклигини таъкидлаган эди.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида “Ўзбекистон тарихи” телеканални ташкил этиш, уни ёшларнинг билим ва маълумот олиш манбаига айлантириш, дастурлар йўналиши, мазмун-моҳиятини шакллантириш борасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда партия фаоллари, тарихчи олимлар, жамоатчилик вакиллари ва талабалар иштирок этди.



Шуҳрат ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Тарих
институтини катта илмий ходи-
ми, тарих фанлари номзоди:

— Давлат мустақиллигига эришилган кейин ўтган чорак асрнинг ўтиши даври, деб аташ мумкин. Айни шу жараёнда етакчи олимларимиз томонидан тарих фанини коммунистик мафкура исканжасидан холос қилиш, Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишда янгича ёндашувни шакллантириш, миллий тарих концепциясини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди, кўплаб асарлар эълон қилинди.

Бирок, ўтиш даврига хос бўлган зиддиятли жараёнлар тарих фани ривожига ҳам таъсир этмасдан қолмади. “Ўрмонга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади”, дейилганидек, тарихни совет даврида шаклланган мафкуравий қолиплардан холос этиш баробарида, ушбу фан эришган кўп ютуқлар ҳам рад этилди ёки улардан воз кечилди. Тарихий жараёнларга янгича ёндашувнинг шаклланиши, миллий тарих концепциясининг яратилиши жуда мураккаб йўлни босиб ўтди. Пировардида фақат сиёсий конъюнктура ёки ташқи эффектга мўлжалланган, илмий жиҳатдан бўш асарлар ҳам пайдо бўлди. Уларда бир томондан, ХХ асргача бўлган тарихимиз ва шахсларнинг ролини чуқур илмий таҳлилларсиз бўрттириш ёки идеаллаштириш ҳолатлари кузатилса, бошқа томондан, ХХ аср, айниқса, совет даври тарихини етарли асосга эга бўлмай фақат қора бўёқларда тасвирлаш ҳоллари кучайди. Шу боис бу давр ҳақида ёшлар тасавури асосан “мустабид тузум”, “қизил империя” каби ёрқинлар даражасида қолиб кетди. Аслида эса халқ хотираси тарих фанидаги бундай кескин ўзгаришларни қабул қилишга тайёр эмасди.

Шу сабабли давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида илгари сурилган “Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур”, деган ғоя остида ташкил этилаётган “Ўзбекистон тарихи” телеканали концепциясининг асосий жиҳатларидан бири бўлиши лозим. Зотан, тарих — бу миллатнинг буюк устози ва тарбиячиси.

Ҳаққоний тарих, ҳатто, унинг айрим саҳифалари ўта аччиқ бўлса-да, у миллий онгнинг юксалишига, миллат-

нинг жипслашувига хизмат қилади, ватанпарварлик ва Ватанга садоқат ҳисларини шакллантиради. Тарихни сохталаштириш, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, фактлар ва воқеаларга субъектив баҳо бериш уни сиёсий манфаатлар қуролига айлантиради ва миллатнинг маънавий ривожига зарар еткази.

“Ўзбекистон тарихи” телеканалининг қандай форматда иш олиб бориши ҳам жуда муҳим. Яъни, унинг кўрсатувлари ҳозир жуда урф бўлган теле-шоу шаклида ташкил этиладими ёки биз кўнмаган ва ўзининг самарадорлигини аллақачон исботлаган илмий-оммабоп шаклдами? Гап шундаки, “оммавий маданият”нинг ҳозир кенг тарқалган шакли бўлган теле-шоулар жамиятнинг маълум қисмига мўлжалланган ва улар релаксациянинг бир тури бўлиб, мураккаб тарихий жараёнларни англаш ёки сиёсий билимларни шакллантиришга хизмат қилмайди. Бундай теле-шоулар маълум мақсадда, кўпинча аҳолининг ижтимоий пассив қисмини бирор сиёсий жараёнга жалб қилиш учун ташкил этилади. Менимча, миллий ўзликини англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганишга йўналтирилган кўрсатувларнинг аксарияти илмий-оммабоп шаклда, замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда қизиқарли тайёрланиши, фақат теле-шоу билан чекланиб қолмаслиги лозим. Зеро, бугун бутун дунёда кўпчиликка манзур бўлган “Viasat History” каби телеканаллар кўрсатувлари ҳам асосан илмий-оммабоп шаклда тайёрланади.

Сўнгги йилларда республикада олиб борилаётган ислохотлар илмий изланишларни, жумладан, тарихий тадқиқотларни мутлақо янги босқичга кўтаришни, Ватанимиз тарихини ўрганишда янгича ёндашувларни, илмий изланишларнинг анча юқори даражасини талаб қилади. Бу талаб фақат илмий изланишларда эмас, телекўрсатувлар, жумладан, “Ўзбекистон тарихи” телеканали кўрсатувларида ҳам ўз аксини топиши лозим. Бу жуда муҳим, зотан, гуманитар фанлар, хусусан, тарих фани мамлакат миллий манфаатларини таъминлашнинг стратегик ресурси бўлиб, унинг маънавий, интеллектуал ва иқтисодий потенциалини яратиш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди, жамиятнинг маданий пойдевори вазибасини ўтайди, тўпланган ижтимоий тажрибани трансляция қилишнинг генетик механизми сифатида майдонга чиқади. Шу сабабли тарихий муаммоларга бағишланган телекўрсатувлар тележурналистлар ва албатта, мутахассис олимлар ҳамкорлигида тайёрланиши лозим, деб ҳисоблайман.



Шуҳрат ТҲҲАБОВЕВ,
ЎЗМТДП фракцияси
аъзоси:

— Жамиятимиз, айниқса, ёш авлод она Ватанимизнинг олис ва яқин ўтмишини тушунишга, мураккаб, жўшқин ва жадал сурь-

атлар билан давом этаётган мамлакатимиз мустақиллигининг тарих солномасини тизимли ўрганишга, уни тўлақонли англаб етишга катта эҳтиёж сезмоқда. Мазкур шарафли ижтимоий вазифани амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиш янги ташкил этиладиган “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг мақсад-вазифаси саналади. Мадомики шундай бўлгач, янги телеканал Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги айрим телеканаллар дастурларидаги каби зўрма-зўраки кўрсатувлар билан тўлдирилмаслиги, зерикарли бўлмаслиги лозим. Телеканалда, айниқса, ёшлар учун нотаниш бўлган тарихий маълумотлар, масканлар ҳақида кўпроқ ахборот берилса, жумладан, ёшларнинг дастурлардаги, яъни, кўрсатувлар тайёрлаш жараёнидаги иштирокни кенгайтириш лойиҳасининг муваффақиятини таъминлайди, деб ўйлайман.



Донёр ТОШБОВЕВ,
ЎЗМТДП Марказий
кенгаши Ижроия кў-
митаси девони бўлими
бошлиғи:

— Ушбу телеканалда фуқароларда тарихий хотира, миллий ўзликини англаш, юксак маънавият, халқнинг ўтмиш аънаналари, маданий меросига ҳурмат, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини англаш каби фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий дастурлар салмоғи етакчи ўринни эгалламоғи керак, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон тарихи” телеканали аънавийликдан, бир хилликдан, турли қолиплардан қочиши керак. Айтилик, тонгги дастурларни бевоқифа тарихчи олимлар таклиф қилинса, ўйлайманки, бу дастурлар савияси ва сифатига ижобий маънода таъсир кўрсатмай қолмайди.



Соҳиб ҚҲҲҚОРОВ,
халқ депутатлари
Сергеи туман Кенгаши
депутати:

— Буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларга йўл қўймаслик телеканал ижодкорларининг доимий диққат-эътиборида бўлмоғи, тарихий ҳақиқатларни кўрсатишдан қочмаслик лозим. Яъни тарихий фактлар бугунги кун сиёсатига хизмат қилмаслиги ёки давр нуқтаи назари билан ўзгартирмаслиги керак. Ахир, тарихда буюк шахслар ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида манбалар учрайди-ку?! Фақат улардан тўғри хулоса чиқармоқ зарур.

Қолаверса, шундай кўрсатувлар тайёрлаш керакки, уларда Ўзбекистоннинг янги тарихи умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек, ҳозирги ҳудудимизда шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда акс этсин.



Сурайё РАВШАНОВА,
халқаро журналистика
факультети талабаси:

— Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида Ўзбекистон маданий меросининг минг-минглаб намуналари сочилиб кетган, шонли ўтмишимизга оид тарихий ашёлар, қўлёзмалар хорижий давлатлар музейларида сақланмоқда. Улар ўз тадқиқотчиларини қутиб турибди.

“Ўзбекистон тарихи” телеканалда айнан шу ҳақида, тарихий ашёлар нима сабабдан хорижга олиб кетилгани ва бугун улар қандай шароитларда сақланаётгани, чет элликларнинг қизиқиши аудиторияси ҳақидаги кўрсатувларга кўпроқ ўрин берилиши лозим. Қолаверса, хориждаги меросимизни тадқиқ этиш, Амир Темур, Бобур Мирзо, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа буюк шахслар юрган йўللари бўйлаб сайёҳатлар уюштириш учун ёш тадқиқотчилар ва журналистларни жўнатиш керак. Бирок, маданий меросимизни ўрганиш, илм-фанни ривожлантиришга қўмак берувчи кўрсатувларни тайёрлашнинг фақат телеканал зиммасига юклаб, қараб ўтириш ҳам тўғри эмас. Бунда жамоат ташкилотлари, хусусий сектор, тадбиркорларимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиши керак.



Санобар ШОДМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Тарих
институтини етакчи илмий хо-
дими, тарих фанлари доктори,
профессор:

— Ёшларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга содиқ таъқамлаш, уларни Ватанга эришган ҳақиқатни астойдил ҳис этишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда тарих фанининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Шу маънода “Ўзбекистон тарихи” телеканални ташкил этиш тарихчилар ва журналистларга катта масъулият юклайди. Чунки томошабинга бериладиган ахборот ва материаллар илмий асосланган бўлиши лозим. Акс ҳолда томошабинни чалғитиб қўйиш, халқимизнинг шонли тарихи ҳақида нотўғри қарашлар шаклланиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Бошқа томондан илмий асосланган маълумотлар оммабоп тарзда берилишини таъминлаш ҳам катта меҳнат ва машаққат талаб этадиган жараён.

Ушбу телеканалда намойиш этиладиган кўрсатувлар томошабинни бой тарихимиз билан кенгроқ таништириш имконини берса аҳамияти ортади. Шу боис дастурларда нафақат тарихчилар, балки барча ижтимоий фан соҳаси олимлари иштирок этиши талаб этилади. Бу ҳозирги кунда жаҳонда кенг қўлланилаётган фанларга ёндашув масалаларнинг турли қирраларини биргаликда очиб имконини беради. Телеканалда Ватанимиз тарихининг қадимдан то ҳозирги замонгача кечган тарихий жараёнлар, тарихий шахслар ва халқ ҳаёти, маданияти ва санъати ҳақида маълумотлар олиш имкони мавжуд. Жумладан, нафақат машҳур ҳукмдорлар, саркардалар ёки арбоблар ҳақида, балки узоқ йиллар давомида “иккинчи даража”га тушиб қолган, аҳамиятсиздек кўринган, лекин тарихимизда ёрқин из қолдирган шахслар ҳаёти ва фаолиятига доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Телеканал олдида шу давргача ижтимоий фан соҳаларида яратилган тадқиқотларни халқимизга оммабоп тарзда етказишдек муҳим вазифа турибди. Халқимизга миллий урф-одатлар, аънаналар ва уларнинг силсиласи, маданиятга доир қизиқарли мавзуларда тайёрланган кўрсатувларга кенг ўрин бериш орқали юртимиз аҳолиси, айниқса ёшларда миллат тарихи, аждодлар меросига бўлган муҳаббат чуқур илди

отишига хизмат қилади. Бундан ташқари, халқимиз шонли ўтмишини еритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган археологик объектлар ҳамда турли тиллардаги манбалар ўрганилган ҳолда, тадқиқот натижалари оммабоп шаклда эфирга узатилса, нур устига аъло нур. Қолаверса, телеканалда янги-янги тадқиқотлар ҳамда ўтказилаётган тадбирлар тўғрисида ҳам ахборот бериб бориш муҳим.

“Ўзбекистон тарихи” телеканални дунё жамоатчилиги меҳрини қозongan ва бир неча тилларга таржима қилинувчи “Viasat History” телеканалидан ортда қолмаслик учун кўп тер тўқиш, тинимсиз изланиш ва шу билан бирга катта маблағ талаб қилиниши бор гап. Бинобарин, шонли тарихимизни тарғиб қилиш учун йўналтирилган бугунги сармоя келажақда ўз мевасини бериши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Қолаверса, тарихдаги “оқ доғлар” ва жумбоқли саҳифаларни очиб, бунда илмий-оммабоп фильмлар яратишдек мураккаб вазифани ҳал этиш ва уларни “Ўзбекистон тарихи” телеканалда мунтазам эфирга бериб бориш керак.

Телеканални оммалаштириш учун жаҳон таърибасини қўллаган ҳолда халқимизнинг бу борадаги талабларини теран таҳлиллар асосида ўрганиш ҳам талаб этилади. “Ўзбекистон тарихи” телеканални ташкил этиш халқимизнинг нафақат тарихимиз билан фахрланиш туйғусини, балки буюк аждодларимиз хотираси олдидаги масъулиятини оширишга ҳамда дунёқараши кенгайтиришга хизмат қилиши табиий. Бунинг учун эса телеканал дастурларини етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган турли ижтимоий қатлам вакиллари учун қизиқарли тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, тарихий жараёнларни фанларга ёндашувга асосланиб ўрганиш жараёнида психология, фалсафа, социология каби соҳа олимларини кенг жалб этиш тадқиқотлар сифатини оширади. Тарихий жараёнларини холисона, ягона қолигга солмасдан тушуниш, ёшларга етказиб бериш имконини беради. Айниқса, айрим дастурларни тайёрлашда бошқаларга анимацион мулфильмлар асосида ахборот етказиш ҳам самарали натижалар беради, деб ҳисоблайман.

Хуллас, бу телеканал турли соҳа мутахассисларининг мулоқот майдонига айланиши шарт. Шунда тарихимизни бор бўй-басти билан, ҳар томонлама, янада теран ўрганиш имконияти яратилади.

“Milliy tiklanish” muxbirлари
Равшан МАҲМУДОВ, Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Шарқ фалсафаси

НОВОЙ ИЖОДИ — ҲАЁТБАХШ МАНБА

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий — Шарқ Ренессансининг йирик намоёниси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида, айниқса, туркийизбон халқлар маданият ва маънавий ҳаётининг ривожига алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсдир. У ўз асарларида маънавий поклик, халқпарварлик ва маърифатпарварликни қуйлаб, ўз авлодларига буюк адабий-фалсафий ва илмий мерос қолдирди.



Тарихга назар ташлар эканмиз, буюк мутафаккир жаҳон тамаддунида нафақат ижодий фазолиятининг серқирра ва қўламдорлиги билан, айна вақтда эзу амаллари ва ибратли ҳаёти билан бекиёс ўрин туташади ишонч ҳосил қиламиз.

Тарихчилар буюк зот босиб ўтган сермазмун умр йўли давомида бадий адабиётдан ташқари фалсафа, математика, риёзиёт ва тарих фанларини чуқур ўргангани, тиббиёт билан қизиққанлиги ҳақида ёзганлар. Зеро, бу давр табиий ва илмий фанлар, тасвирий санъатнинг гурираб ривожланганлиги билан алоҳида тавсифланади. Қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар мавжудлиги сабабли тарих, математика, фалсафа, фикр, тафсил, ҳикмат, адабиётшунослик, тилшунослик, тиббиёт фанлари соҳасида ўз даврининг буюк мутафаккирлари камол топди.

Чунинчи, Абу Райхон Беруний, Абу Носир Муҳаммад ал-Форобий каби алломалар тиб илмини нафақат синчиклаб, ўрганган, балки бу соҳага оид асарлар ҳам битгани айна ҳақиқат. Масалан, Берунийнинг фармакология, Форобийнинг эса назарий ва амалий табиётшунослик оид асарлари бор. Бинобарин, Навоий буюк шоир ва йирик давлат арбобиғина эмас, балки йирик олим ҳам эди.

Шоирнинг "Назм ул-жавоҳир" асаридан ўрин олган рубоийларидан бирида ўз касбига эга бўлган инсон доимо зарга эга бўлади, унинг икки қўли ҳалол ризқ топишда қийналмайди, хунарсиз инсон ҳаммиша ранж чекади, чунки хунар инсоннинг қўлида ганж эрур, деган файласуфона фикр берилар экан, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам айна шу ҳақиқатга амал қилиб яшаганини англаймиз.

Хондамир, Восифий ва бошқа замондошларининг асарларидан биламизки, Алишер Навоий табиати ғоят нозик, пок, хушхулқ, ўта назокат-

инсофу адолат, сабру қаноат каби ахлоқий хислатлар мадҳ этилади. Ҳасад, ёвузлик, адоват, баҳилик, хасислик, таъмағирлик, ёлғончилик, дунёга ҳирс қўйиш каби иллатлар қораланади. Ул зот инсонни камолот сари интилишга чорлайди, умр абадий эмаслигига бот-бот ишора қилади ва шу боис ҳеч бир инсон ўз ҳаётида пушаймон бўлмаглик учун эзу ишларни амалга ошириши лозимлигини уқтиради. Шу сабабли китобнинг табиблир ҳақидаги фасли унда салмоқчи ўрин эгаллаган. Навоий бу фаслни баён этишга киришар экан, аввало, табибнинг ўзи қандай киши бўлиши кераклиги ҳақида батафсил тўхталади. Бунда шоир инсонларга наф келтириш ҳақида сўзлайди.

Шу сабабли "Маҳбуб ул-қулуб" даги "танбех"ларида ҳаё, ҳилм, қарам каби сифатларга алоҳида урғу бериб таърифлайди. **"Карам ва муруват ота ва онадурулар, вафо ва ҳаё — икки ҳаммаё фарзанд"**, деб ёзади у.

Навоийнинг таъкидлашича, табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши керак. У донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи, мулоқим сўз ва бемор кўнгилни кўтарувчи, андишали, хушфёъл бўлмоғи лозим.

Унга кўра одамларга яхшилик қилиш лозим, уларнинг оғирини еңгиллаштириш, халқ манфаатлари ҳақида қайғуриш керак. Агар бирор кимсадан халққа манфаат етар экан, шу инсон бу манфаат аввало унинг ўзи учун кўпроқ фойда эканлигини, яхшилик албатта, бирор кун улкан мукофот бўлиб, унинг ўзига қайтиб келишини билиши керак.

Кўринадими, Навоий табиблир олдиға жуда масъулятли талаблар қўйган. Дарҳақиқат, табиб ўз соҳасини моҳир билимдони бўлмаси, боз устига касбини яхши ўзлаштирмаган, фикри савз тажрибасиз бўлса, беморнинг касалини қандай аниқлай олиши мумкин? Касални аниқлай олмаган табиб, уни даволай олмайди ҳам.

Навоий табиблир олдиға қўйган талабларидан иккинчиси **"беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиш лозимлиги"**дир. Бу ерда Навоий табибликни бошқа ҳамма касбдан ажратиб турувчи асосий сифати — инсонпарварлик ҳақида сўз юритади. Яъни, мабодо манфаат етказишга имкон бўлмаси, яхши сўз айтишни одат қилиш лозимки, бу катта ишдир. Кишилар табиблирга ўзларининг энг бебаҳо бойлиги — ҳаётларини ишониб топширар эканлар, демек, улар ҳам масъулятин хис этиши, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши, уларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳақида қайғуриши зарур. Табибнинг энг юксак вазифаси — кишини хасталик азобидан қутултиришдир. Аммо ҳаётда табиблир орасида беморларга нисбатан бефарқ ва раҳмсиз муно-

сабатда бўлувчилар ҳам учрайди. Навоий замонида ҳам шундайлар кам бўлмаганлиги табиийдир. Шоир бундай табиблирнинг халқ соғлиғига келтирадиган зарарини англаб, табиблир олдиға катта талаблар қўяди.

Навоийнинг фикрича, табибнинг **"тиб илмиға табиати келишмоғи лозим"**, яъни табибда шу илмга нисбатан қобилият бўлиши керак. Бу жуда тўғри фикр. Улуғ юнон ҳақиқи Гиппократ, **"тиббиёт барча санъатлар ичиде энг улугидир"**, деган эди. Ҳақиқатан табиблик касби ҳам санъатдир. Бинобарин, ҳақиқий санъатни истеводлар, талантлар яратади. Тиб китобларини ўқиб ўзлаштирган ҳар ким ҳам яхши табиб бўлавермайди. Буни Алишер Навоий яхши тушунган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, жамият ва шахс ҳаётида қандай масала бўлмасин, унинг ечими ва ҳал этилишига доир қарашлар Алишер Навоий асарларида мавжуд. Бу ҳақиқат ул зотнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга эҳтиёжманд эканлигини эслатиб туради.

Ҳаёт — инсонга чинакам маърифатга, камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Шу аснода айтиш жоиз, табиблик хунар эмас, балки билимдир. Тиббиётнинг назарий ва амалий жиҳатлари бор. Бу билим асослар ва амалий тажрибалар билан бойиди. Бу ҳақида Шарқнинг буюк алломаларидан бири, машҳур тиб олими Абу Бакр ар-Розий бундай деб ёзган эди: **"Тиббиёт илми жуда узоқ асрлар давомида ривожланиб, такомиллашди. Бунда мингаларча буюк табиблирнинг хизмати бор. Шунинг учун кимки, уларнинг асарларини кунт билан ўқир ва унинг моҳиятини англаб, у ўзининг қисқа вақтлари умрида жуда кўп ишлар аввалги касалларни кузатиб кечириб, орттирган тажрибаларига нисбатан кўпроқ нарсани билиб олиши мумкин. Чунки бир киши, у ҳатто минг йил умр кўрса ҳам, ўзидан илгари ўтган олимларнинг тажрибаси билан таниш бўлса, фақат ўз кузатувлари билан тиббиёт илмини етарли даражада эгаллашмайди"**.

Навоий ҳам зукколик билан шунга ишора қилиб, табиблик касбини эгалламоқчи бўлган ҳар бир инсон ўтмишдаги сўхқа донишмандларининг асарларини кунт билан ўрганиши ва уларни ўз фаолиятида тadbиқ қилиши зарурлигини уқтиради. Зеро, халқ меҳрини қозониш, ишончига кириш учун матонатли меҳнат, олижаноб қалб керак.

Аҳмаджон БОБОЖОНОВ,
Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи,
тиббиёт фанлари номзоди

Тарих тилга кирганда...

Дунё тарихида аждодлардан мерос қолган, тайёр тожу тахт ва салтанатда давру даврон сурган ҳукмдорлар жуда кўп. Аммо, улардан фарқли ўлароқ, Соҳибқирон Амир Темур ўта қийин вазиятларда сиёсий муомала — дипломатия ҳамда ҳарбий салоҳиятини ишга солиб, буюк бир давлат барпо этишга эришди. Оқилона сиёсат билан бу давлатнинг қўдратини, шуҳратини жаҳонга ёйди. Тарихда унинг номи, бир томондан фотиҳ-саркарда, иккинчи томондан мамлакатда илм ва санъат, савдо ва шаҳарсозлик каби соҳаларнинг ривожига, Марказий Осиё маданиятининг иккинчи уйғонши даврига замин яратган давлат арбоби сифатида муҳрланиб қолди.

ТЕМУР ДАВЛАТИ ДИПЛОМАТИЯСИ

халқаро дипломатиянинг энг гўзал намунаси



(Амир Темур) мамнуният ила хоржий савдогарлар билан мулоқот қилади, уларга ҳомийлик, ёрдам кўрсади, айниқса, мамлакат худудига насронийлар ва фарангланин хавфсизлигини таъминлаб туради. Қўпгина ерларда қонунсиз олинаётган бож ва солиқларни бекор қилди...

Мазкур даврга келиб дипломатик муносабатларнинг бу қадар ривожланиб кетишига, аввало, Амир Темур давлатида қулай ва хавфсиз муҳитнинг ҳозирлангани сабаб бўлган эди.

Амир Темур ва темурийлар давлати деярли бир ярим аср мобайнида Осиё, айниқса, Марказий Осиё тарихида ниҳоятда кўп, серқирра, ранг-баранг маданий-маънавий дурдоналарни яратдики, бу, ўз навбатида, жамият ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантириб, тамомла янги бир босқичга кўтарди. Шу боис Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилиги, манънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутайди. Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосий тарихий манбалар бениҳоят кўп ва хилма-хил бўлиб, бу Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси тарихидаги роли бекиёс эканлиги ва унинг номи ғоят машҳурлигидан далolat беради.

Бу каби маълумотлар Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Ибн Арабшоҳнинг "Темур тақдирини тақдир ажойиботлари" ("Ажойиб ал-мақдур фи навоийб Таймур"), Ёиёсиддин Алининг "Рўзнома", Муъиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ат-таворих", Фасиҳ Хавафийнинг "Мужмали фасиҳий" асари, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн" ва "Ҳиндистон сафарномаси", Ёиёсиддин Нақшоҳнинг "Хитой сафарномаси" ва бошқа тарихий асарлар воситасида бизгача етиб келган.

XIV аср охирига келиб халқаро майдонда шундай бир кучлар мувозанати юзага келдики, Соҳибқироннинг сиёсий майдондаги ҳар бир ҳаракати хоржий ҳукмдорларнинг диққатини жалб этиб, шу даврда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бевосита ва билвосита таъсирини кўрсатди. Бу даврда, айниқса, Европа давлатлари ҳукмдорларининг Амир Темур билан мулоқот қилиш истаги жуда кучайган эди.

Франция қироли Карл V номига Амир Темурнинг икки мактуби ва қиролнинг Соҳибқиронга жавоб мактуби, Англия қироли Генрих IV нинг мактуби, Византия императори Иоанн Палеологнинг мактуби ва Кастилия қироли Энрике III номидан келган Руи Гонсалес де Клавихо раҳбарлигидаги элчилик ташрифотида асосий мавзун Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси ва Самарқанд билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш масаласи ташкил этган эди. Ва бу мулоқотларда элчилик миссияларини Ватикан номидан католик мазхабининг вакили сифатида Султонида фаолият олиб борган роҳиб Иоанн Галонифонтинус ва Клавихо адо этган эди.

Соҳибқироннинг Фарбда куч-қудратли, имон-этиқодли, меҳр-оқибатли ва юксак маданиятли шахс сифатида ижобий талқин қилиниши, нафақат буюк саркарда, адолатли ҳукмдор, балки оддий инсон сифатидаги уй-кечинмаларини англашга уринишлар, айниқса, диққатга сазовор.

Французларнинг "Chronographia rerum Frangorum" ("Франклар фаолияти хронографияси") солномасида 1403 йилнинг май ойида роҳиб Иоаннинг Парижга етиб келгани, қирол Карл томонидан қабул қилингани, ташрифнинг мақсади ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, мазкур солномада Иоаннинг Амир Темур ҳақида француз тилида бир асар ёзаётгани қайд этилади. Бу ерда Иоанн Галонифонтинус қаламига мансуб француз тилида ёзилган "Memoire sur Tamerlan et sa cour" ("Темур ва саройи ҳақида хотиралар") номли асар ҳақида сўз бормоқда. 24 бўлимдан иборат бу асар ўз ичига Амир Темур шахси ва давлати ҳақидаги муҳим маълумотларни қамраб олган. Хусусан, асарнинг "Темурбек ҳокимияти остидаги худуд ва шаҳарларда ўрнатилган тартиблар" бўлимида қизиқ маълумотларни учратамиз: "...У

Соҳибқирон замонида давлат тасарруфидаги худудларда мукаммал алоқа тизими ишлаб чиқилган. Натихада, бир томондан элчилик ва чопарлик фаолиятини мунтазам амалга ошириш, иккинчи томондан, халқаро сиёсий майдонда кечаётган воқеалардан боҳабар бўлиб туриш имконияти туғилди.

Соҳибқирон ўз саройига ташриф буюраётган элчиларга шахсан лутфу марҳамат кўрсатгани ҳолда, турли мамлакатларга ўзи нобарётган элчиларга ҳам қабул қилувчи ҳукмдор томонидан худди шундай эътибор кўрсатилишини талаб қилар эди. Амир Темур элчиларнинг дахлсизлиги, яъни замонавий тил билан айтганда, дипломатик иммуниет масаласига катта эътибор берган. Тарихий асарлар элчига етказилган зарар оқибатида Темурнинг ҳатто улкан салтанатларга ҳам юриш қилгани ҳақида гувоҳлик беради.

Амир Темур дипломатиясида элчиларни қабул қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган ва қабул маросимлари ўзига хослиги, тантанаворлиги билан ажрғалиб турган. Бундай маросимларнинг диққатга сазовор томонларидан бири шуки, элчиларда мамлакат ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил бўлиши учун Амир Темур қабул уюштирилладиган жойларни доим ўзгартириб турган. Соҳибқирон қабулига тезда муёссар бўлмаган ва мулоқот навбатини етиб келган элчилар доимо ҳукмдорнинг эътиборида турган. Улар учун махсус мулозимлар бйркиртирилиб, турли тадбирлар уюштирилган.

Клавихо кундалигида Темур саройидаги дипломатик тантаналар ҳақида анча батафсил маълумотлар берилади: "...Элчиларни юқоридан жой олган қария бир мулозимнинг яқинига олиб бордилар. У Темурбекнинг опаларидан бирининг ўли эди ва элчилар унга таъзим қилдилар. Кейин уларни юқориде ўтирган ёш болалар олдиға олиб бордилар. Улар ҳукмдорнинг набраларни эди. Бу ерда элчилардан Қирол Энрике IIIнинг Темурбек номига йўллаган мактубини сўрадилар. Улар тақдим этдилар. Мактубни шу болалардан бири, айтишларига қараганда, Сенъорнинг туңғич фарзанди — Мироншоҳнинг ўғли олди. Бу уч бола ўринларидан туриб, Сенъорга мактубни олиб бордилар". Кўриниб турганидек, саройда дипломатик қабул маросимларига катта эътибор берилган ва шаҳзодалар ҳам ёшлик чоғлариданоқ бундай қабул маросимларида иштирок этиб, халқаро муомалага оид назокат қойдаларини пухта ўзлаштириб борганлар.

Амир Темур саройида турли тилларни билладиган таржимонлар фаолият кўрсатган. Бу мутаржимлар турли давлатлардан келган элчилар билан фақат таржимон сифатида эмас, балки барча дипломатик этикет меъёрларини ҳам яхши билган ҳолда муомала қилганлар.

Умуман олганда, Соҳибқирон даври ҳақида ҳикоя қилувчи асарларга таянган ҳолда, Амир Темур олиб борган дипломатик муносабатлар бугунги Ўзбекистон ташки алоқалари тарихининг гўзал зарварларидан эди, дея бемалол айта оламиз. Чунки мазкур асарлар ҳозирда халқаро муносабатларда амал қилнаётган дипломатия протоколига оид қўпгина қойдалар Амир Темур давлатида ўша даврлардаёқ жорий этилгани ҳақида аяқлоқ гувоҳлик беради.

Санжар ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

"Best realtor" МЧЖ Фаргона минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдосига "Farg'onа Agroservis mashina traktor parki" МЧЖ-нинг 10.04.2019 йил 12-сонли буюртма хатиға асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Фурқат тумани "Навбахор" ҚФЙ, Қўқонбой шаҳарчаси худудида жойлашган маъмурий бино иншоотлари бир қисми: 0007 литердаги-айвон, 0010-литердаги деворнинг бир қисми (12,50 п/м) ва 0016 литердаги асфальт майдон — 807,50 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 26 881 000 сўм.

2. Кува тумани Байналминал МФЙ, Қўшкечик кишлоғи худудида жойлашган "Машина трактор парк" бино-иншоотлари бир қисми: 0007-литердаги-қоравулхона биноси, 0024-литердаги девор (бир қисми 28,60 п/м) ва 0029-литердаги асфальтланган майдоннинг бир қисми — 166,12 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 25 071 000 сўм.
Аукцион савдо 2019 йилнинг 20 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Буюртма-

лар ҳафтанинг иш кунларида соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 17 май, соат 16:00.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргалликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— шахсий шахслар учун — паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси

илова қилинган ишончнома;
— аукцион тўғрисидаги билдириш-номада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига гаров тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини савдо ташкилоти — "Best realtor" МЧЖ Фаргона минтақавий филиалининг "Трастбанк" Фаргона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/Р:2020 8000 3004 3360 1012. МФО 01123, СТИР: 303 179 580.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона.

Телефон: (99895)402-54-75.
www.emulk.uz, best.fergana@mail.ru.
Лицензия RR-0225.

ИҚЛИМ ҲАВОНАДА ВА БАҲАВОНА ТАРАҚҚИЁТ

ёки глобал замоннинг глобал муаммоси сабаб дунёда бўлаётган ўзгаришлар хусусида

Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидagi экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривож ва инсон саломатлигига жиддий зарар етказмоқда. Ушбу экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш, иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизациялаш инсоният олдида турган устувор вазифадир.

Бироқ глобал иқлим ўзгаришининг оқибатлари фақат бу билан чекланмайди. Маълум бўлишича, у турли ихтилоф ва оммавий кўчишларга ҳам сабаб бўлар экан. Илм-фан яқинда бу назариянинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини тасдиқлади.

Амалий тизимли таҳлил халқаро институти олимлари ўтказган тадқиқот илк бор иқлим ўзгариши ва давлатлар ўртасидаги турли ихтилофлар, табиий офатлар ва аҳолининг оммавий кўчиши ўртасида сабаб-оқибат боғлиқлиги мавжудлигини намоён этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Амалий тизимли таҳлил халқаро институти Австрияда жойлашган бўлиб, у дунёнинг етакчи олимларини бирлаштирган нуфузли илмий марказлардан ҳисобланади. Институт экология, иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларни биргаликда тадқиқ қилиш мақсадида АҚШ ва собиқ иттифоқ (СССР) томонидан 1970 йилда таъсис этилган. Шундан бери жаҳоннинг 20га яқин илгор давлатлари ушбу лойиҳага қўшилган.

Мазкур институт эълон қилган тадқиқотда таъкидланишича, иқлим ўзгариши 2010-2012 йилларда Тунис, Ливия, Сурия, Яман ва бошқа мамлакатларда юз берган ва "Араб баҳори" номи остидаги оммавий намойишлар, давлат тўнтарилари бошланишига туртки берган омилардан бири бўлган. Ушбу давлатлар аҳолиси норозилиги ва намойиши кенг қўлланми фуқаролар урушига айланиб кетган. Бунга ҳамон тинчмаётган Сурия яққол мисол бўла олади.

Тадқиқотчилар воқеаларнинг бу йўсида шиддат билан ривожланиб кетишига, ушбу ҳудуддаги меъёрий ҳаво ҳароратининг кўтарилганини сабаб қилиб кўрсатадилар. Кетма-кет қурғоқчилик ва ичимлик суви тақчиллиги оқибатида Сурияда бир неча йил давомида ҳосил яхши бўлмаган. Оқибатда қишлоқ аҳолиси иш ва тирикчилик даражидан шаҳарларга оммавий кўчиб кета бошлаган.

Бу ўз-ўзидан мамлакатда салбий урбанизация шароитининг пайдо бўлишига олиб келган, шаҳарлар яқин тезлигида одамлар билан тўлиб тошган. Натижада турар-жой етишмовчилиги бошланган, ишсизлик даражаси кескин ортган. Мазкур омилар қурғоқчилик, қишлоқ ҳўжалигининг оғир аҳволга тушиб қолиши, маҳсулотлар тақчиллиги, сиёсий бошбошдоқлик каби бошқа муаммолар билан биргаликда одамлардаги норозилик кайфиятини янада кучайтишига

туртки берган.

БМТнинг 2018 йил ноябрь ойида тақдим қилган маълумотларида 5,6 миллиондан зиёд сурияликларнинг хорижга чиқиб кетгани, яна 6 миллионга яқин одам мамлакат ичиди кўчиб юришига мажбур бўлаётгани айтилади. Айнан ўхшаш ҳолат бошқа Африка давлатлари, жумладан, Сахройи Кабирнинг жанубий минтақаларида ҳам юзага келганини таъкидлаш ўринли.

Бироқ бугунги кунда кенг жамоатчиликнинг иқлим ўзгариши ва оммавий миграция ўртасида узвий боғлиқликлар борлигини ҳисобга олмаётгани хавотир уйғотади. Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларидан Европа давлатларига кўчиб бораётган одамлар оқимининг кескин ортиб кетишига иқлим ўзгариши сабаб бўлаётгани тўғрисидаги қарашлар сўнги йилларда бир неча бор ўртага ташланган. Мутахассислар иқлим ўзгаришининг бу минтақалардаги турмуш даражасини кескин издан чиқараётгани ва табиий равишда, одамлар яхши ҳаёт илнжидида уйини тарк этишга мажбур бўлаётганини таъкидлайди.

Бироқ шу пайтга қадар омилар иқлим ўзгариши ва миграция ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқликларини ўрганишга жиддий эътибор қаратмай келаётган эди. Гап шундаки, бир омил бошқасининг юзага келишига сабаб бўлаётганини исботлаш учун ўта қатъий ва жиддий илмий далиллар талаб этилади.

Иқлим ўзгариши ва миграция кўламининг ортиши ўртасидаги боғлиқликни юқори аниқликда исботлаш учун таҳлилчилар бир қанча тадқиқотларни умумлаштириб, ягона манзарани ҳосил қилишга ҳаракат қилганлар. Аввалига улар 2006-2015 йиллар давомида бошпана сўраб, бутун дунё бўйлаб 157 давлатда қочқинлар томонидан берилган аризалар сонини ўрганиб чиқиди. Сўнг қочқинларнинг асл ватанида рўй берган иқлим ўзгариши динамикаси жадвали тузилган. Иқлим ўзгаришининг асосий кўрсаткичи сифатида ёгингарчилик миқдорининг тушиб кетиши ва "буҳона таъсири" ("парник эффекти") ҳажми олинган.

Қуролли зиддиятларнинг сони ва кўлами эса Швецияда жойлашган Уппсала университети 1946 йилдан бери юритиб келадиган қуролли инқирозлар тўғрисидаги маълумотлар базасига таяниб ўрганилган. Тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган илмий моделда қочқинларнинг асл ватани ва қочиб ўтган мамлакат орасидаги масофа, ҳар иккала давлатдаги аҳоли сони, улар-



даги сиёсий вазият, этник ва диний мансублиги ҳамда бошқа омилар ҳам ҳисобга олинган.

Пировардида, тадқиқот натижалари 2006-2015 йиллар давомида иқлим ўзгариши миграция даражаси ва йўналишига катта таъсир кўрсатганини инкор қилиб бўлмас даражада кўрсатиб берган. Кучли қурғоқчиликлар эса мавжуд қуролли зиддиятларни янада кучайтириб, қурбонлар сонининг кескин ортишига сабаб бўлгани аниқланган. Аммо таҳлилчилар иқлим ўзгариши ва оммавий кўчишлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқликларини бевосита эмас, балки билвосита эканини таъкидлайди. Содда қилиб айтганда, иқлим ўзгариши бевосита оммавий кўчишларни келтириб чиқармайди — у ижтимоий норозиликнинг кучайишига туртки беради. Унинг ортидан инқирозлар ва мажбурий-оммавий миграция юзага келади.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши инқирозлар ва миграцияни тўғридан-тўғри юзага келтирмайди. Бироқ давлатни уқувсизларча бошқарув шакли ва қоникарсиз демократия даражаси шароитида иқлим ўзгариши осонгина қуролли зиддият ва чекланган ресурслар учун курашни юзага келтириши мумкин. Иқлим ўзгариши глобал муаммо бўлиб қолаётган бир пайтда Президент Доналд Трампнинг Америка Кўшма Штатларини 2015 йилги Париж келишувидан чиқариш тўғрисидаги қарори халқаро ҳамжамият томонидан оддий айтганда, маъқулланаётгани йўқ. Париж келишувига кўра, унга имзо чеккан 188 мамлакат глобал ҳарорат ўсишини одатдагидан икки даражадан пастроқ ушлаб туришига рози бўлган ва, ҳатто бир ярим даражага туширишига интилиши айтилган.

БМТнинг Жаҳон метеорология ташкилотига кўра, АҚШнинг бу келишувдан чиқиб кетиши

аср охиригича глобал ҳароратни 0,3 даражага ошириши мумкин. Трампнинг даъво қилишича, Париж келишувига Америкада миллионлаб иш ўринлари йўқолишига сабаб бўлган. У америкаликлар учун — 3 триллион доллар миқдориди зарар етказган. Хитой ва Ҳиндистон каби давлатлар учун эса нисбатан осон шартлар қўйилган.

Шу боис Трамп жаҳон ҳамжамияти билан ўзга шартлар асосидаги янги иқлим келишувини муҳокама қилишга тайёр эканини билдирса-да, аммо кўплаб давлатлар уни қўллаб-қувватламади. Глобал иқлим ўзгариши инсон фаолияти оқибатида келиб чиқаётгани, атмосферанинг ифлосланиши инсоният томонидан углеводородлардан энергия манбаи сифатида фойдаланиш натижаси эканлиги аниқ далиллар билан исботланган. Етакчи ва ривожланган давлатлар сановат корхоналаридан чиқаётган газлар таркибидаги карбонат ангидрид ва газ миқдорини камайтириш ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Маълумотларга қараганда, Ер юзидида газ чиқиндиларининг 25 фоизи АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

Иқлим ўзгариши биринчи навбатда ҳаво ҳароратининг ўзгаришини англатади. NASA маълумотларига кўра, 1880 йилдан бери ер юзидидаги ўртача ҳарорат 0,8 даражага ўсган. Усишнинг учдан бири 1975 йилдан кейинги даврга тўғри келади.

Исиб бораётган дунёни ҳалокатга юз тутишдан асраш учун глобал исми даражасини икки даражадан пастда ушлаб туриш лозимлиги ғояси илк бор 1975 йилда АҚШлик иқтисодчи Уилям Нордхауз томонидан илгари сурилган эди. Бироқ 1990 йилга қадар бирор бир давлат атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газларини чеклаш масаласига жиддий эътибор қаратамади. Ниҳоят, ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасида Европа дав-

латлари икки даражали чеклов бўйича қўшма битимларни имзолади. 2010 йилга келиб эса, иқлим исми муаммоси БМТ сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шундай бўлса-да, кичик орол давлатлар ва жойлашувига кўра денгиз сатҳидан унча баланд бўлмаган мамлакатлар икки даражали чеклов сиёсатидан норозилик билдира бошлади. Уларнинг идаоси-ча, агар иқлим исми бундан ҳам паст даражада ушлаб турилмаса, ушбу давлатлар ҳудуди музликларнинг эриши ортидан кўтарилган денгиз суви остида қолиши мумкин.

2009 йили Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида бўлиб ўтган саммитда иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўриши мумкин бўлган давлатлар белгиланган чеклов даражасини янада пасайтириш ташаббуси билан чиқди. Бироқ саммитда қатнашган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бу талабга қўлоқ тутмади ва йиғилиш самарасиз яқун топди.


Шундай бўлса-да, бир ярим даражали ғоя исиз йўқолиб кетмади. 2015 йили Парижда бўлиб ўтган музокаралар давомида француз дипломатлари мазкур ғоя бўйича ривожланган ва қашшоқ давлатларни муросага келтиришга урингани эътиборга молик. Ҳолбуки омилар глобал исми атиги ярим даражага пасайтириш ҳам сезиларли натижа бериши мумкинлигини таъкидлайди.

Таҳлилчиларнинг бу борадаги ҳисоботида бир ярим ва икки даражали чекловлар ўртасидаги кичкина фарқ дунё миқёсида қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида салмоқли рақамлар келтирилган. Уларнинг асосийлари куйидагича: денгиз сувининг кўтарилиши туфайли уйдан ажралиши мумкин бўлган одамлар сони 10 миллионга, сув тақчиллигидан қийналаётган дунё аҳолиси сони 50 фоизга, иқлим ўзгариши туфайли жонотларнинг қирилиб кетиши 50 фоизга камади, икки миллион квадрат километр ҳажмдаги музлик эришдан сақлаб қолинади...

Соҳа мутахассислари глобал исмини бир ярим даражадан пастда ушлаб туриш жуда мушкул масала, деб ҳисоблайди. Агар ҳозирда инсоният қўлида мавжуд барча имкониятлар ишга солинганда ҳам бу мақсадга 2040 йилга борибгина эришиш мумкинлиги баҳорат қилинади. Иқлим исмини бир ярим даражадан пастда сақлаш ҳозирги кун учун эришиб бўлмас мақсаддек кўринаётган бўлса-да, лекин кўплаб давлатлар бу муаммо ечимига умид билан қарамоқда. Масалан, Буюк Британия ҳукумати яқин келажакда "Атмосферага иссиқхона газлари чиқаришни ноль даражага камайтириш бўйича қонун" қабул қилиш устида иш олиб борилаётганини хабар қилган...

Абдували СОЙБНАЗАРОВ,
халқаро шарҳловчи

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР КЕЛАЖАК МАШИНАСИ БЎЛА ОЛАДИМИ?..



Электромобиллар — келгуси авлод ва тараққиёт учун хизмат қилувчи транспорт воситаси ҳисобланади. Бир неча ўн йилдан кейин бензинда ҳаракатланадиган машиналарни учратишимиз амриҳоҳол бўлиб қолиши ҳам ҳақиқатга яқин.

Ривожланган мамлакатлар аҳолисидан олинган сўровномаларда аксарият респондентлар электромобилларнинг шовқинсиз ҳаракатланиши пидедалар учун хавф туғдириши, яъни йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлиши мумкин, дейишмоқда. Шу боис айрим ишлаб чиқарувчилар электромобилларга тезлик соатига 30 километрдан ошгандан сўнг сунъий равишда шовқин чиқариш мосламаларини ўрнатмоқда. Яна бир муаммо — уларнинг аккумуляторлари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки уларни ишлаб чиқариш ва утилизация қилиш муаммоси ҳозирча ижобий ечим топгани йўқ. Сабаби бундай аккумуляторларда атроф-муҳит учун зарарли бўлган кимёвий моддалар, жумладан, қўроғошин, литий ва турли кислоталар қўлланилади.

Электромобилларни кенг қўламда ишлаб чиқариш учун уларни қувватловчи тузилмаларни яратиш муаммоси ҳам ўз ечимини кутмоқда. Уларнинг уй шароитида оммавий тарзда қувватланиши электр энергияси таъминоти тизимида зўриқилш ва узилишларни келтириб чиқариши эҳтимолдан йироқ эмас. Шунингдек, қувватлаш жараёни ҳам кўп вақтни талаб этаётир.

Амалиётда электромобилларнинг қуёш батареялари ва шамол қуввати асосида ҳаракатланувчи турлари ҳам ишлаб чиқарилган. Бироқ бундай автомобиллар



фойдали иш коэффициентининг пастлиги (10-15 фоиз), суткалик энергия жамғариш имконининг мавжуд эмаслиги сабабли унчалик оммалашмади. Шунингдек, қуёш қуввати асосида юрвчи электромобилларнинг, биринчидан, тун ва об-ҳаво ноҳулай бўлган кунларда ҳаракатланиши чекланган, иккинчидан, қуёш батареялари таннархи анча баланд.

Албатта, бундай электромобилларнинг устун жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда электромобиллар ишлаб чиқараётган давлатларда электродвигателларнинг фойдали иш коэффициенти 88-95 фоизни ташкил этмоқда. Ички ёнув двигателларида эса бу кўрсаткич 22-42 фоизни ташкил этади, холос. Уларнинг яна бир афзаллиги шундаки, деярли шовқин чиқармайди. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи нефть маҳсулотлари, мотор мойи ва улар учун зарур бўлган филтёр, антифриз талаб этилмайди. Шунингдек, техник қўриқдан ўтказилинган содаллиги, йўл-транспорт ҳодисалари вақтида ёнгин ва портлаш хавфининг паст экани ҳам таъкидланмоқда. Электромобиллар тезликка бензинда юрвчи машиналарга қараганда тез эришиши мумкин.

Электромобилларни оддий электр тармоқлари орқали ҳам қувватлаш мумкин, бироқ бу махсус юқори қувватли ускуналарга қараганда кўп вақтни олади. Электромобилларнинг ҳозирда оммалашиб кетмаётганининг яна бир қанча сабаби бор. Улар ихчам бўлганлиги учун иш еки спортклубга бориб келиш мумкин, бироқ оилавий шароитда ноқулай. Масалан, АҚШда янги "Model S" электромобилининг нархи 35 минг долларга яқин туради. Бошқа автомобил ишлаб чиқарувчиларнинг машиналари эса қимматроқ. Ҳатто АҚШнинг ўзида ҳам электр энергияси тежаш мақсадида электромобилларни қувватлантириш шохобчалари жуда кам ташкил этилган.



"Forbes"нинг маълумотига қараганда, ҳозирга келиб дунёда 170га яқин машиналарни қувватлантириш шохобчалари мавжуд. Тўғри, уни уйда ҳам қувватлантирса бўлади, бироқ бу кўп вақтни талаб этади.

Бу борада россияликлар бошқача фикрда. Улар электромобиллар қанча тез оммалашса, инсоният бундан фақат ютади, дейишмоқда.

Электромобилларни ҳозирда санқли автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар тақдим этаётир. Шу боис танлов жуда кам. 2020 йилга бориб уларнинг модели 120 тага етиши кутилмоқда.

"Tesla" электромобили бир марта қувватлантирилганда 300 километр масофани босиб ўта олади. Бензинда ҳаракатланадиган автомобиллар эса тўла ёнилғи бак билан 600 километргача йўл босиши мумкин.

Электромобилларнинг бугунги бозорига қарайдиган бўлсак, айни пайтда бундай автомобиллар ишлаб чиқаришга "Nissan", "BMW", "Mitsubishi", "Chevrolet" сингари йирик автоконцернлар катта қизиқиш билдиришмоқда. Энг кўп сотилган моделлар сифатида эса "Toyota RAV4 EV", "ZENN", "ZAP Xebra", "General Motors EV1", "Chevrolet Volt", "Volvo C30 BEV", "Tesla Roadster" каби электромобилларни санаб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай янгилик бирдангина мукаммал бўла олмади: аста-секин такомиллашиб боради. Жумладан, юқориди тилга олинган электромобиллар ҳам. Ҳамон қандай тарзда фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ,
журналист

Дилдаги гаплар

“ХАФА БЎЛСАНГ, ОҚИН СУВНИ ЁҚАЛА...”

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбат



«Давоми. Бошланиши 1-бетда.»

Халқ шоири Улмамбет Хўжа-назаровнига:

Бўсагадаги қаричдек,
Туғилган ер қадри...

сингари ажойиб туйғуларни
уйғотадиган сатрлар ва армия са-
фида хизматда юрган таъкид шоир
Кенгесбой Раҳмоновнинг:

Агар бир чибиги синса

шоҳингдан,

Фақат мени айбла, жазола,

Ватан...

руҳидаги шеърлар билан улғай-
ганмиз. Қаерда жаҳолат, зўрлик,
ёвузлик бўлаётган бўлса, адолат
нуқтаи назаридан нафратланарди.
Гагарин фазога чиққанида отамиз
ўғил кўриб, биз укали бўлгандек
қувонгандик. Эркин Воҳидовнинг
Тошкент зилзиласига бағишланган
дostonидаги синглимиз Дилором-
нинг музакамоққа сақлаб юрган
тийинларини табиий офат оқибатла-
рига сарфлаганида гурурланганмиз.
Сулув қизларни йигитлар худди
бугунгидек бири-бирдан қизғонар-
ди, қизлар эса севгилисидан бошқа
йигитларни менсимасди. Қизларни
осмондаги ойга менгзардик, кўзга
кюк бўлиб кўринади-ю, лекин кўл
етмасди... Йигитлар онгида қизлар
муқаддас Ватан эди, уларнинг хиз-
матига доимо шай эдик...

Хўш, Ватан деган “мавхум” ту-
шунча ўтган асрда бизда қандай
ойдинлашди?

Мен олий ўқув юртини битириб,
ишни болалар газетаси “Жеткин-
шек” да “Мактаб турмуши ва пио-
нерлар” деган бўлимда адабий хо-
димликдан бошлаганман. Ҳар йили
бахор келарди, ўриклар гулларди.
Тахририятда баҳорнинг келганли-
гини Тўртқўлдан келган пионерлар
хатларидан билардим: “Тўртқўлга
бахор келди, ўрик гуллади...”. Шун-
дан уч ой: март-апрель-май баҳор
келди, ўрик гуллади, деб ўтарди.
Энди бу ерда бизга хат ёзаётган
пионернинг айби йўқ, у нимани
кўрса, ўшани ёзарди. Мўйноқда ўрик
қолганни шимолий худуд макта-
бининг бошланғич синф ўқувчиси
қайдан биларди?

Ўшанда Ватан тушунчаси оддий
масофалардангина иборат эмас, у
маълум даврда самимий меҳрдан
шаклланди муқаддас нарсагли-
гини сездим. “Деразанинг олдида
бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади”
манзараси, ариқдан шилдираб оқа-
ётган сув, далани қоплаган ям-яшил
майсалар, эринчоқ қадамлари билан
яйловга бораётган сигирлар, опа-
нининг тандирдан узган иссиқ чўрак
нони... Хуллас, баҳорнинг ерни уй-
ғотган қудрати ва сўнгра ёз, куз, қиш
фақлининг бетакор неъматлари, ба-
ри-бары Ватан тушунчасининг кички-
на бир қисми эканлиги ойдинлашди.

— Оролбўйи аҳолисининг
ижтимоий ҳаёти, улар бошидан
кечирётган қийинчиликларга
унча-мунча одам дош беролмай-
ди. Лекин у ерни ташлаб кетгани
ҳам кўз қиймайди...

— Бултур 27 май куни Оролқум-
дан кўтарилган тузли чанг-тўзон
катта радиусга эга бўлган худудларга
тарқалиб, экинзор ва боғ-роғларга
жиддий зарар келтирди. Одатда
бирор табиий офат ҳақида хабар
тарқалса, унга турли миш-мишу
муҳҳиш ваҳималар ҳам кўшилиб
кетади.

“Чанг-тўзон қадимий Хива-
га хавф туғдирмоқда...” (“Ваҳи-
ма қилманглар, бу Мўйноқда ҳар
бахор-кузда қузатиладиган ҳолат.
Хоразми чанг-тўзон босса, қо-
рақалпоқлар соябон тугиб туради”,
дея таскин бердим оғайниларга);

“Орол Каспий билан ер остидан
боғланганми?”;

“Хитой Тибет тоғлари аква-
ториясида сунъий ёғдириш
йўллари ахтараяпти...”;

“Оролбўйида фарибгарлик
кўпайгани учун Аллоҳнинг жазоси
бу...”;

“Чанг-тўзон қандайдир раке-
талар учурилганидан бўляпти.
Ана қаранг, Тахтақўпирда ёнғинга
қарши машқлар пайтида осмонда
учувчи тарелка расмга тушибди...”;

“Уза сайёраликлар олдин Чим-
бойга тушиб, сўнгра ўша томонга
ўтган бўлса керак...”;

“Оролни оммавий дуо қилиш
билан тўлдириш мумкин...”;

“Оқ туяни қурбон қилсақ, Орол-
ни етти кунда тўлдира бўлади...”
деб ёзибди қозоғистонлик қардо-
шимиз.

“Оролда сунъий булут ҳосил
қилиб, 7–11 йилда аввалги қаддини
тикласа бўлади”, дея ёзган kun.uz
нашри.

Хуллас, гап кўп. Орол фожияси
кеча ё бугун пайдо бўлмаган, унинг
илдизи чуқур, ўтган аср ўрталаридан
бошланган. Бу офатни бартаф
этишнинг енгил ва тез ечими бўл-
майди. Оролни қутқариш бўйича
биронта фикрни инкор этмасдан,
уларни тақлифлар тахтасига жойлаб,
умумий бир хулосага келиш керак.
Орол ўрта Осиё халқлари учун
ҳаёт-мамонт масаласи экан, худуд
давлатлари умумий бир хулосага
келиши лозим.

Ўша ҳафта Тошкентда бўлиб
ўтган Орол фожиясига бағишлан-
ган халқаро форум ҳам Интернет-
да кўтарилган офат тўғрисидаги
чанг-тўзонни боса олмайди. Фо-
рум-ку, албатта, яхши, бу камида
битта мақсад сари интилишни жа-
лаб, қандайдир ечим йўллари
топишга ёрдам беради. Ҳамдар-
лик одамларни оунтиради. Лекин
масаланинг илдизига болта бўлиб
урилмайди. Орол энди бундан ортқ
қуримайди ва ўрта Осиёнинг ма-
жуд сув ресурслари қанча иқтисод
қилинса ҳам, у тўлмайди.

Масала, ярим чўлга айланиб бо-
раётган худудимизда ҳаёт-мамонт,
озиқ-овқат хавфсизлигига бориб
тақалади. Бир пайтлар бўлгани каби
Сибирь сувларига умид яна уйғон-
япти. Энасой, Обь дарёларининг
атиғи етти фозиз суви бу худудда
умумий тирикчилик учун, иқлим мў-
тадиллигини сақлаб, қишлоқ хўжалик
маҳсулотларини Россия, Қозоғистон,
Хитой ва бошқа давлатлар билан
бирга баҳам қўриши учун етарли. Бу
эса катта сиёсат, давлатлараро муам-
мо. Лекин ечимми оғир эмас, ўзаро
келишувлар билан ҳал қилса бўлади.

Ахир озиқ-овқат хавфсизлиги,
айниқса, табиий гўшт-сут муаммоси
барчамизники эмасми?

Агар худудга Сибирь сувлари
келса, чанг-тўзонлар босилиб,
чўлда ҳаёт бошланади, боғ-роғлар
гуллаб, одамларнинг қозониди
мой қайнайди...

Энди, тақдирнинг тақозоси-ю,
замона зайлининг қудратига қаранг:
Мўйноқда ҳам, Аральск (Қозоғистон
худуди)да ҳам денгизнинг чекиниши
сабабли кўчиб кетганлар яна ота
мақомига қайтиб келмоқда. Аральск
томонида Оролқум ўртасидан дам-
ба тортиб, кичик Оролни тиклаш
ҳаракатлари бўляпти. У ёқда Сир-
дарёнинг бор сувини ёлчиби, бир
ерга тўплаб, Аральскдаги денгизнинг
қадимги соҳилларини яқинлашти-
риб, балиқчилик саноати қайтадан
тикланапти.

Денгиз қонунияти бўйича соҳилга
бир чиқиб қолган кема, қайтиб ден-
гизни кўрмайди. Денгизга, майли,
кичикроқ бўлсин, бошқа бутунлай
янги кемалар тушар деган умид-
даман. Оролда кемасозлик касби
ҳали унутилмаган, атоғи балиқчи-
лар авлоди ўз маконларига қайтиб,
ота касбларини тиклашга ҳаракат
қилмоқда. Бизда ҳам балиқчиликни
тиклаш ҳаракатлари бошланди, ба-
лки кичик кемасозлик хунарини қайта
жонлантиришда мўйноқликларнинг
ота касби — кемасозлик тажрибаси
энди асқатиб қолар...

Мўйноқда эса Оролқумга саксо-
вул экиш авжига чиқди. Бу тадбирда
икки мақсад назарда тутилган: ав-
вало, денгиз ўрнида пайдо бўлган
дахшати Оролқумдаги захарли
чанг-тўзонга тўсиқ қўйиш бўлса,
иккинчиси Оролбўйидаги саксовул
урўғларини йиғиб, экиш орқали
одамларни иш билан банд қилиш
ва уларнинг ижтимоий аҳолини
яқинлаш учун қўшимча даромад
манбаларини яратиш.

Президентимизнинг Мўйноқ ту-
манига ўтган йилнинг 15 ноябридаги
ташрифидан сўнг одамларнинг руҳи
тетиқлашиб қолди. Беихтиёр латиш
шоири Ояъ Вақитиёнинг “Хароб
бўлган ерга гул экин”, деган сатрла-
ри эса тушяпти. Оролқум ҳам Вата-
нимизнинг бир парчаси, уни хароб
ҳолга ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ.
Бу тупроқда ота-боболаримизнинг
ҳоки ётибди.

— **Юрдошларимизнинг мил-
лий ғурур туйғусини қандай
баҳолаган бўлардингиз?**

— Миллий ғурур инсоннинг ин-
сонлигини белгилайдиган асосий
мезонлардан бири. Унинг шакл-
ланиши болалиқдан бошланиб,
табиатдан олган ўрнакка, ота-она
ва жамиятдан оққан меҳр-оқибатга
боғлиқ. Ўттиз йил муқаддам афгон
урушидан қайтган укамизнинг қўл-
тиқтаёғига сўяниб Орол соҳилида
ўксиниб йиллагани эсимда: “Мени
Оролдан айирган Ватан учун қон
тўқдимми?”

Ўшанда укамга таскин бериб,
эсон-омон келганингга шукр қил,
деб овулганмиз. У афгонга йигитлик
бурчи, йигитлик ғурури билан кет-
ган, кетганида денгиз Мўйноққа те-
гиб турганди. Қайтиб келганида эса,
(икки йил ичида) денгиз чекиниб,
кемалар қулларга чўки қолганди...

Инсон ғурур билан яшайди ва
ҳақиқатнинг олдида тик туришига
ҳам ўша ғурур сабаб бўлади.

Шу ўринда Ватан тушунчасининг
суиестеъмол қилинишида биз қалам
аҳли, айниқса, шоирларимизнинг
“ғуноҳ”и талайгина эканини айтма-
сам бўлмас. Ахир қайси газета-жур-
нални очиб қарасангиз, Ватаннинг
улуғлиги ва муқаддаслиги қайд
этилган мисралар такор-такор
учрайди. Худди уларнинг муаллим-
лари шеърини ишо ёздириб, “агар
Ватан сўзини қўшмасанг, баҳоинг
икки!” деб айтиб қўйгандек. Ахир
ҳеч бир шоир уйда онасига “Она,

сиз муқаддасиз!” деявермайди-ку.
Эҳтиром ҳам муҳаббат каби дабда-
басиз бўлгани маъқул.

— **Яқинда Орол денгизи ху-
дудидан сув чиққани ҳақиқий
байрамга айланиб кетаёزمиз...**

— Ростини айтсам, Оролдан сув
чиқди, деган хушxabар денгизни
кўрмаган, унинг тарихини билмаган
одамлар учун янгилик бўлиб туюл-
гандир. Лекин мен учун эмас. Эсин-
гизда бўлса, собиқ марказнинг ўша
1986 йилги машҳур қарори асосида
Орол худуди турғун аҳолиси учун
яратилган имтиёзлар (маошларга
10–30 фоизлик қўшимчалар) қатори-
да 300 артезиан қудуқлари қазилиб,
маҳаллий аҳолини чўчуқ сув билан
таъминлаш белгиланган эди. Бу
ишлар энди бошланиб, эски тузум
тарқалиши билан чала қолиб кетган-
ди. Деярли ўттиз йилдан буён Орол
бўйича тадқиқотлар ҳам ёпилиб,
одамлар фожеага кўникиб, кўникма-
ганлари кўчиб, хуллас, Орол фожеаси
эсдан чиқиб бораёзган эди. Худого
шукри, Президентимизнинг Орол-
га ташрифидан сўнггина Мўйноққа
жон кира бошлади. Аввало, жадал
равиида 101 километрик қувурлар
ётқизилиб, аҳолига тоза ичимлик
суви етказилди. Лекин телевизор-
ларда фавворалардан отилган сув
кўрсатилгани билан нимагадир тоза
сув одамлар уйига етиб бормади.
Эшитимсизча, Кўнғирот-Мўйноқ ор-
алигидаги кўнғиротлик насосларида
қандайдир носозлик бўлган. Балки
бу сувлар эртага маълум худудда
саксувалларнинг ўсишига ёрдам
бериши мумкин, лекин денгизни ер
ости сувларини ташқарига чиқариб
тўлдириш асло мумкин эмас.

— **Орол фожияси сизнингча,
одамларнинг миллий ғурурига
ҳам таъсир этадими?**

— Албатта. Тасаввур қилинг,
Оролнинг ўлими бир кунлик жаноза
эмас. У инсондан узок муддат нажот
кутиб, толиқиб ётди ва аста-секин
умиди узилиб қурди.

Денгизнинг қуриши ўрта Осиё
халқлари ва уларнинг мустақил
давлатчиликлари учун оғир синов
бўлди. Ростини айтсам, мустақиллик
базмлари оёқчиллик давлат раҳбар-
ларининг оёқларини ердан узиб,
муаллақ ҳолда халқ дardидан йироқ
яшашига олиб келди. Қўшнилар ора-
сига низолар солинди, Орол фожия-
сини бир-бирига тўнкаб, бир-бир-
ининг табиий имкониятларига кўз
олайтира бошлади. Энди баралла
айтиш мумкинки, Орол тақдирига
эътибор Шавкат Мирзиёевнинг Ўз-
бекистон Республикаси Президенти
этиб сайланган кунидан бошланди.
Президент Орол тақдири муаммоси
қўшни давлат раҳбарлари ва халқла-
ри билан иноқликда эканлигини
сезиб, улар билан биродарлик муно-
сабатларини тиклади, чегараларни
очди. Бунга Аҳмадар билан Сирдарё
окимидан ҳам кўрсангиз бўлади,
улар эркин ва тўлиб оқяпти. Қуриб
қолган жилга-сойлардан уфуриб
сув келяпти. Ахир олдидаги ариқдан
сув оқгани, одамларни жунбушга
келириб, қалбида умид уйғотмоқда.
“Хафа бўлсанг, оқин сувни ёқала”,
дейди қорақалпоқлар. Қаранг, сув
оқаяпти. Оқин сув одамнинг руҳини,
ғурурини тиклаб, қалбимизда Ватан
туйғусини муҳрлайди.

— **Самимий ва очик суҳбат
учун ташаккур.**

**Исломжон ҚҲҚОРОВ
суҳбатлашди.**

Эълон!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги
барча умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф
ўқувчилари ўртасида ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган
қизиқишларини ошириш, истеъоддини юзага чиқариш, шу-
нинг баробарида бебаҳо неъмат — Ватаннинг давлат
мустақиллиги қадрини янада юксалтиришга қаратилган
“Мустақиллик — менинг тасаввуримда” номли кўрик-танлов
ташкил этилмоқда.

Иқтидорли ёшларимизни кўрик-танловда фаол иштирок
этишга чорлаймиш.

Маълумот учун телефон:
(71) 244-65-17, (71) 244-65-02

“FARG’ONA MULK SERVIS” МЧЖда

бошланғич баҳоси босқичма-босқич оши-
рилиб тартибда ўтказиладиган очик аук-
цион савдоларига “Farg’onaazot” АЖга те-
гишли техник холати носоз бўлган қуйидаги
автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ВАЗ 21043 русумли, 1993 йилда и/ч, д/р: 40 681 LAA,
бошланғич баҳоси — 5 092 186 сўм;
2. Volvo-940 русумли, 2001 йилда и/ч, д/р: 40 919 EAA,
бошланғич баҳоси — 16 621 187 сўм;
3. Daewoo Tico русумли, 1997 йилда и/ч,
д/р: 40 830 EAA,
бошланғич баҳоси — 8 430 695 сўм;
4. Daewoo Damas русумли, 2005 йилда и/ч,
д/р: 40 822 EAA,
бошланғич баҳоси — 29 893 163 сўм;
5. Daewoo Damas русумли, 2005 йилда и/ч,
д/р: 40 823 EAA,
бошланғич баҳоси — 29 893 163 сўм;
6. Daewoo Nexia русумли, 2004 йилда и/ч,
д/р: 40 079 AAA,
бошланғич баҳоси — 29 393 838 сўм;
7. Daewoo Nexia русумли, 2004 йилда и/ч,
д/р: 40 901 NAA,
бошланғич баҳоси — 23 573 871 сўм;
8. Daewoo Nexia русумли, 2004 йилда и/ч,
д/р: 40 833 EAA,
бошланғич баҳоси — 29 939 838 сўм;
9. Daewoo Matiz русумли, 2005 йилда и/ч,
д/р: 40 680 AAA,
бошланғич баҳоси — 18 402 182 сўм;
10. ВАЗ 2106 русумли, 2000 йилда и/ч, д/р: 40 829 EAA,
бошланғич баҳоси — 11 214 934 сўм;
11. Лада-21074-110-30 русумли, 2008 йилда и/ч,
д/р: 40 826 EAA, бошланғич баҳоси — 12 607 890 сўм;
12. Лада-21074-110-30 русумли, 2008 йилда и/ч,
д/р: 40 673 EAA, бошланғич баҳоси — 12 607 890 сўм;
13. Hyundai Sonata русумли, 2008 йилда и/ч,
д/р: 40 878 YAA, бошланғич баҳоси — 55 885 228 сўм

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 20 май куни соат 10:00да
бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабгорлардан талабно-
малар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат
10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабномалар қабул
қилишнинг охири муддати: 2019 йил 17 май соат 16:00.
Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида
сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти
юқлатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранс-
порт воситалари 2019 йилнинг 20 май куни сотилмаган
тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 31 май
ва 14 июн кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қила-
миш. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш
аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан
кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартно-
масига асосан “FARG’ONA MULK SERVIS” МЧЖнинг ХАБ
“Трастбанк” Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақа-
мига тўлашлари лозим: Х/Ҳ: 2260 4000 6003 9634 2001.
МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун ман-
зил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темуру кўчаси, 45-уй.
Тел: +99895-402-54-75 Гувоҳнома № 1894.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Дадабоев кўчаси, 2-тор
кўча, 12-уй эгаси Корниенко Евдокия Гавриловна (мархум)
номига берилган уй кадастр ҳужжати йўқолгани муносабати
билан бекор қилинади.



VATAN TUVU USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
Амал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47,
Маданият, туризм ва халқаро хабар бўлими: 234-86-41, Маълумот, маърифат ва ахборот бўлими:
234-87-73. Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғ бичими А-2
“ШАРҚ” нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: “Буюк Турун” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 426, Адади — 3007. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Равшан МАҲМУДОВ

Навбатчи: Нигора НИШОНБЕКОВА

Саҳифаловчи: Жалолддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,

mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 23.50. УЗА акунни — 23.00

ISSN 2010-7714

772010771003

12 456